

**БОЛАЖОНЛАРГА  
МАКТУБ**





# БОЛАЖОНЛАРГА МАКТУБ

19862 2018

Тошкент  
"Voris-Nashriyat"  
2007

YOLDOZ NASHR NOMOYI NOMIDAGI  
**ToshDO'AU**  
AN'ROBOT-RESURS MARKAZI



“*Çocuklarımıza mektuplar*” китобидан ЎзМУ Ўзбек филологияси, туркология бўлими 2-курс талабалари томонидан таржима қилинган ва нашрга тайёрланган ушбу китобда бир фарзанднинг онасига ёзган аламли мактуби ва унга оналар ёзган жавоблар ўрин олган.

Бу мактублар она ва боланинг дилкаш суҳбатлари, айти пайтда рухий изтироблари мажмуидир. Сиз ундан кўплаб манфаат, қимматли йўл-йўриқ, ибрат оласиз.

*Сузбоши муаллифи:*  
филология фанлари номзоди  
Абдумурод ТИЛАВОВ

*Масъул муҳаррир:*  
филология фанлари номзоди, доцент  
Абдурозиқ РАФИЕВ

*Муҳаррир:*  
филология фанлари номзоди, доцент  
Абдулла УЛУҒОВ

*Мусаҳҳиҳа:*  
Санобар ТУРСУНОВА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Ўзбек филологияси факультети Илмий кенгашида нашрга  
тавсия қилинган (2007 йил, 2- март, №5)

ISBN 978-9943-304-11-6

© Тошкент, “Voris-Nashriyot”, 2007й.  
© ЎзМУ Ўзбек филологияси факультети





## ИБРАТЛИ МАКТУБЛАР

Ривоятлардан бирида туғилганига бир неча кунгина бўлган чақалокни ота-онаси улуғ бир зотнинг олдига келтиришади ва фарзанд тарбияси борасида насиҳат, йўл-йўриқ кўрсатишини сўрашади. Донишманд эса бу борада анча кеч қолинганлиги, ҳатто фарзанд тарбияси, у она қорнидалигидаёқ бошланиши лозим эканлигини уқтиради.

Дарҳақиқат, фарзанднинг келажакда ота-онасига, Ватанига нечоғлиқ садоқатли бўлиши унга берилган илк тарбияга боғлиқ.

Бу масъулиятли вазифанинг энг аввалида МЕҲР дея аталувчи ноёб туйғу туради, назаримизда.

Ҳа, бола ота-онадан меҳр кутади. Бу меҳрни ололмаган, ота-онасининг бепарволигига, ҳатто ўринсиз қаҳр-газабига гувоҳ бўлган фарзанд қалби ўксийди, уйида топа олмаганини кўчадан қидира бошлайди.

Гулдонда онасига гул олиб келаётган бола тўсатдан гулдонни синдирса ва бунинг эвазига онадан дашному ҳақоратлар эшитса, албағтаки келажакда бировга гул беришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Чунки онанинг бу танбеҳи мурғак қалбидаги бу эзгу туйғуни артиб ташлади-да.

Мухтарам ўқувчи! Ушбу мўъжаз китобчада бир фарзанднинг онасига ёзган аламли мактуби ва унга оналар ёзган жавоблар ўрин олган.

Мактубларда айтилган мулоҳазалар менинг, сизнинг кўнглингиздаги сатрлардир балки. Балки биз бу сўзларни фарзандимизга айтишга кечиккандирмиз. Бироқ... халқимизда нақл бор: “Ҳечдан кўра кеч”.

Мактубларда айрим оналарнинг афсуси, пушаймони, боласига керакли СЕВГИни бермаганлиги туфайли туғилган пушаймонлиги акс этган. Буни ўқиган айрим оналар сергак тортсалар ажаб эмас.

---

---

Фарзанд азиз. Катталар каби уларда ҳам нафс дейилувчи кўзга кўринмас ички душман бор. Бинобарин, фарзандининг барча истакларини “сўзсиз” бажариш унга яхшилик эмас, бунинг акси бўлиши мумкин. Шунинг учун бўлса керакки, бир она ўғлига ёзмоқда: “Бахтга қарши ҳар истагингга “Ҳа”, деб жавоб қайтаролмайман, негаки буларнинг бари сени балоқазолардан асраш ниятимдан пайдо бўлмоқда”.

Хуллас, ушбу мактублар она ва боланинг дилкаш суҳбатлари, айти пайтда руҳий изтироблари мажмӯидир. Сиз ундан кўплаб манфаат, қимматли йўл-йўриқ, ибрат олишингизга умидвормиз.

**Абдумурод ТИЛАВОВ**  
*филология фанлари номзоди*



## ОНА!

Фонийлар орасида энг меҳрибон, мушфиқ зот-Она. У Ер юзида кезаркан, жаннат ҳам унинг оёқлари остидадир. Онанинг оёқ кийими чанглари кўзларга сурма қадар азиз ва унинг оёқларига сурилган юзлар Арш эшигидаги бошлар каби юксакдир. Она куюнчак зотдир. Бутун ҳаёти давомида куюнгувчи ва изтироб чекувчи фақат удир... Унинг оналиги фарзанди туфайлидир. “Онам” дейдиган бола туфайлидир... Фарзанди бўлмагунча она она эмасдир. Ёки у “Онам” дейилмагунча!

Онанинг эзгу орзуси фарзанддир. Она борки, дунёга келтирган гўдагини ҳақ йўлга бошлар. Она борки, бир фарзанд истар, истару аммо етишолмасдан армон ичида кетар. Она борки, фарзандининг изоҳ этиб бўлмас қилмишидан қадди букилар ва “кошки бундан кўра ўлиб кетсайдим” дер. Она борки, фарзанди туфайли абадий қолар ва боши кўкларга етар. Она борки, фарзанди ила дарбадар ва бадном бўлар. Она борки, Фиръавн қасрида бир миллатнинг суюклиги, она борки, Наби ҳужрасида шайтон бандаси. Она борки, сассиз, ноаниқ ва номаълумдир; она борки, фақат гуллар, чаманлар яратар. Она борки, дostonларга сиғмас. У зехнларда, қалбларда, кўклардадир. Она борки, қоғоздадир, қаламдадир, романдадир...

Тупрок – уруғга, булоқ – шаршарага, (Момо) Ҳаво – одамзодга; Марям – бир Рухга; Омина бутун ҳақиқатга, борлиқнинг сирига, сирларнинг ўзига... ОНА.

Онанинг яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам. Яхшисига жонлар фидо; ёмонига, бахтсизига нима дейиш мумкин? Фарзандидан куйганлар, ёруғлик кўрмаганлар ҳақидачи?

---

---

Она-бола икки вужуд, бир рух. Бола онанинг вужудидаги бир парча, кучоқларидаги жозиба, нур. Фарзанд она кўксини ёққан бир олов, унинг қалбига санчилган найза...

Фарзанд иш пайтида, таҳсил олиш чоғлари, аскарлик кезлари – буларнинг ҳар бири она юрагини минг пора қилган изтироб даврларидир. Она бу пайтларда дарё-дарё кўз ёш тўкар: Фарзандининг ўқиши, оилавий ҳаёти билан боғлиқ ташвишлар, аскарлигидаги қийинчиликларни ўйлаб...

Ҳа, У доимо йиғлар, доимо тутатки сингари тутар. Таскин топган чоғлари турган вақтлари бўлгани каби, кўзларидан сел каби оққан ёшларда чўккан пайти ҳам бўлади. У қадрдон кишилари, ватани, ор-номуси учун қурбон бўлган боласини армуғон ҳисоблар ва таскин топар. (Аmmo) бекордан-бекорга ўлган фарзандиничи? Мана шу ерда онанинг тили тутилар.

Ҳа, У душманига қарши курашиб шаҳид бўлган фарзандига марсиялар айтар, шулар билан овунар:

*“Бу ер Ямандир,  
Гулу чамандир,  
Кетган келмаяпти  
Ажаб недандир,  
Ажаб недандир.”*

Кўзларда шаҳид шарпаси, қулоқда жаннат ирмоқлари шилдираши сингари унинг овози:

*“Азёр Қримни олди, онам,  
Душман юртимга қўнди, онам,  
Номусим наймол бўлди, онам,  
Мен у ерда кетаман...”*



---

---

Кримда кофирга кўшилган ҳам бор. Плевнани унутиб, Тунада сайрга чикқан ҳам бор. Онанинг қаддини буккан ҳам шулардир. Эски қурбоннинг душмани, янги қурбоннинг дўсти; нима десин, она, бу чалкаш жумбоққа?!

Оҳ, менинг бахтсиз онам! Қалби роҳатсиз онам, қадди букилган, кўзлари ёшга тўлган онам; тиззасига уриб, сочини юлган онам! Буларни ким сенга раво кўрди? Ким қасд қилди қалбингнинг меваси – жигарпорангга, кўзингнинг нурига? Кесайин у қўлларни. Сув сепайин оташига...

Энди, бошқа йиғлама, онам! Кўз ёшларингдан пайдо бўлган булутлар Аршга қадар юксалди. Қара, ҳозир у ерда чақмоқ, бу ерда майсалар...

Тўзғиган қокилингни тузатиш учун сен томон елмоқдалар... Биз ҳаммамиз сенинг фарёдингга югураемиз. Дудоғимизда хуррият, озодлик нағмаси, кўлимизда Юсуф алайҳиссаломнинг кўйлаги, ажинли юзинг томон ёшланган кўзларингга севинч хабари ила келаяпмиз. Унсиз ғамларинг тин олсин дея, қонаган яраларинг битсин дея, бутун бир айбдорлар номидан афв сўраб, эшигингга бош урдик, ОНАМ!..





## ОНАМГА МАКТУБ

Онажоним, доим сизни нақадар севишимни, митти юрагимдан жой олган чексиз меҳрингизни сизга билдиришни истадим. Аммо буни бажара олмадим. Чунки буни англашга ҳеч ҳаракат қилмадингиз. Бир кун боғдан сизга гул тердим. Гулдонга солиб, сизга олиб келаётганимда, тўсатдан гулдон қўлимдан тушиб синди. Гуллар билан сизга меҳримни изҳор қилмоқчи эдим. Гулдон сингани учун шунчалар бақирдингизки, энди бошқа ҳеч кимга гул бермасликка аҳд қилдим.

Она, менинг мурғак қалбимда ҳаммани яхши кўришга етгулик жой бор эди, мен ҳаммани севардим. Аммо сиз одамларнинг жуда ёмон эканликларини, уларга ишонмаслик кераклигини айтдингиз. Мен ҳам энди одамларни севмайман. Онажоним, ҳеч ақлимга сиғдиролмаёпман, менга бошқаларни уришни сиз ўргатдингиз. Мен туғилганимда уришни билмас эдим-ку? Нега ҳозир укамни урганимда жаҳлингиз чиқаяпти? Мен уни урсам қўлимга урасиз. Она, дадамни ҳеч севмайсизми? Доим “Даданга айтаман!” дея мени кўрқитасиз. Уни яхши кўришимни истамайсизми? Мен бақирмасдан бир нарсани айтсам, уни бермайсиз. Бақириб-чақирсам эса ўша нарсани берасиз. Шунинг учун мен доим бақириб-чақириб, йиғлаб талаб қиламан. Айтганингизни қилишим учун ҳам бақирингизни кутаман.

Биласизми, сизни бақиртиришдан завқланаман. Ўша онда менга эътибор берасиз, деб ўйлайман. Она, сизга айтадиган хушxabарим бор: энди овқатларимни ейман. Янада тезроқ катта бўлишни хоҳлайман. Негалигини биласизми? Сиз билан гаплашаётганда юқорига қарашдан чарчадим. Бундан бўйним оғрияпти. Агар ўсишим жуда узоққа чўзилса, нега сиз мен билан сал эгилиб гаплашмайсиз? Ўшанда ўзимни анча яхши ҳис қилардим. Гаплашганда кўзларингизни кўришни истаيمان. Кўзларингиз тубидаги менга бўлган меҳрингизни кўришни истаيمان.

---

Онажоним, нега энг яқин дугоналарингизга ўзингизнинг нарсаларингизни бермайсиз? Унинг болаларига ўйинчоқларимни беришни ёқтирмайман. Ўйинчоқларни менга оласизми ёки дугоналарингизнинг болаларигами? Улар синдирганларида жаҳлингиз чиқмайди. Мен синдирсам “Сенда ҳеч инсоф борми ўзи?” дея мени жазолайсиз. Энди унинг ҳам чорасини топдим: ўйинчоқларни бузиб қўйсам, уларни яшириб, худди бошқалар бузгандек, меҳмон келганда сизга кўрсатаман.

Онажон, мени нега тингламайсиз? Нега сизни чизган қаҳрамонларим, бузилган ўйинчоқларим, йўқолган қаламим қизиқтирмайди? Мени ҳам сизнинг ишхонангиздаги бошлигингиз, дугонангизнинг янги олган сумкаси қизиқтирмайди... Уларни эшитишни хоҳламайман. Мен билан қизиқишингизни, буни мен учун нақадар зарур эканлигини билишингизни истайман. Нима, фақат катталарга тегишли нарсалар муҳимми?

Она, янги энагамни ҳеч ёқтирмадим. У сочларимни сиз тарагандек тарамайди. Менга олдинги энагам карагандек меҳр билан қарамайди. Она, сиз нега менга меҳр билан боқмайсиз?

Она, уйдаги нарсалардан, кулдонлар, телевизордан сизни қизғонаман, Уларни бузиб, йўқ қилишни истайман. Шунда уларни синдиришдан қўрқмай, уй ичида бемалол югуриб ўйнай олсман. Уларни тозалаш учун ажратган вақтингизчалик менга вақт ажратмайсиз. Демак, уларни мендан кўпроқ яхши кўрасиз. Онажоним, уйда ўйнашдан зерикдим. Ташқариларда югуриб-елиб ўйнашни, оёқларимни қўлмак сувларга тикишни, тортни тўкиб ейишни, макаронни қўлим билан ейишни, айронни устимга тўкишни истайман. Она, мен ўзим истаганча яшашни хоҳлайман. Таъқиқлар бўлмаган, меҳрга тўла, оналар фарзандларини тушунадиган бир жойни хоҳлайман. У ерни топиш учун бу ердан кетишни истайман. Балки у жой бир қушнинг қанотида, балки бир гулнинг япроғида, балки бир балиқнинг аквариумида бордир...

*Эҳтиром ила ...  
Сизни эсондан ортиқ севган фарзандингиз...*



## ҚАЛБИНГДАН МЕХРГА ЖОЙ БЕР!

**Болам,** сен мени нақадар севишингни, мурғаккина юрагингдаги туйғуларингни тушунтиришга ҳаракат қилганингни, лекин буни ҳеч уддасидан чиқолмаётганингни айтяпсан. Йўқ, аслини олганда сен буни уддасидан чиқдинг, хатто, ортиғи билан уддаладинг. Лекин мен буни тушуниб етмадим ёки тушунганимни сенга тушунтириб беролмадим. Биттагина синган стакан учун сенга бақирганимда сенинг ўша кичкинагина юрагингинг дарз кетишини ўйлаб ҳам кўрмабман. Сен менга берилган энг нафис гул эканлигингни биласан, деб ўйлардим.

**Болагинам,** инсонларга бўлган меҳрингни барбод этганимдан жуда афсусланаман. Яхши хулқли, одамшаванда инсон бўлиш учун мурғак қалбинг дарвозаларини инсонларга очиб беришинг керак.

**Болажоним,** мен ҳар бир боланинг инжиқликлари учун уни тарсакилашдан кўра унга насихатлар қилиш ёки уни мукофотлаш тарафдори эдим. Лекин сени урганим... шу даражага олиб боришини ҳеч ўйламабман. Ҳолбуки, сенга ҳақ ёки ноҳақ бўлсанг ҳам кечиримли бўлишни, кечиримлилик буюклик эканлигини ўргатишни ният қилгандим. Менинг энг катта хатоим сенинг ҳали шунча нарсани тушуниб етмаслигингни ўйлаб кўрмаганлигимдир. Ҳолбуки, сен менга ўша кичкина онгинг, қалбинг билан бундай эмаслигини исботладинг: “Дарахт ёшлигида эгилади” мақоли ҳам айнан шунинг исботи эмасмикин?!

**Болам,** жон-дилимдан сени яхши кўришимни хоҳлаяпсан. Сен кўзларимга ҳеч эътибор қилганмисан? Агар назар солганигда эди, у ерда сенга аталган бетакрор, таърифига тил ожиз бир меҳр борлигининг гувоҳи бўлардинг. Балки ўринсиз ҳаракатларим кўзларимга парда бўлгандир; мен сенинг ўша пардани олиб ташлашингни ва сенга бўлган меҳримни хис қилишингни хоҳлайман.

---

---

Жоним болам, мен гўдак учун ўйинларнинг қанчалик муҳим эканини яхши биламан. Сенга олиб берган ўйинчоқларимни ўзинг ёки ўртоқларинг билан ўйнашингни ўйлаб, ўйинлар оламига киришни хоҳламадим. Болалигимда менинг ўйинчоқларим жуда кам эди, шунинг учун буларни олганимда сени хурсанд қиламан, деб ўйлагандим. Лекин мени ҳам ўйинчоқларинг орасида кўришни хоҳлашингни ҳеч ўйламаган эканман.

Болам, уйдаги жиҳозларни мendan қизғонишингни айтаяпсан. Бир ўйлаб кўргин-а, дунёнинг қайси жиҳози ёки гўзаллиги сен билан тенглаша олади, қайси уй юмуши сенинг юрагингга юққан гард ёки хатони тозалашдан қийин бўлиши мумкин?! Шунини тушуниб етдимки, мен қилишим керак бўлган энг муҳим вазифа, сенинг қалбингга озор етказмаслик ва қалбингни умр бўйи сенга фойда келтирадиган гўзал ўғитлар билан тўлдириш экан.

Нури дийдам, ташвишлар бўлмаган бир дунёда яшашни хоҳлашингни айтаяпсан. Сен ўз сазой-ҳаракатларинг, меҳринг билан одамларни ўзингга қарата олсангина ўзинг учун шундай олам яратоласан. Ўзинг учун гўзал, меҳрга лиммо-лим бир дунё қурасан. Қушнинг қанотига, гулнинг япроғига ёки балиқнинг аквариумига эҳтиёж сезмаслигингни, бутун умр сен учун очилган икки қўлнинг борлигини билишингни хоҳлайман. Ишон менга, бошқа ҳеч нарса сенга Она меҳрини беролмайди. Мен сўзим охирида ички дунёингга киришимга рухсат берганинг учун сенга раҳмат айтмоқчиман, билмаган ҳолда қилган хатоларим туфайли сендан узр сўрамоқчиман. Қалбингдан ҳар доим меҳрга жой ажратишингни ва ўзинг ҳам меҳрсиз жойда бўлмаслигингни тилайман.

*Онанг Ҳошима Зиляс*



## ИККИ АРИНИНГ АСАЛИСАН

Жовим болам, сен туғилмасингдан аввал оналик туйғуси нима эканлигини билмаганим учун баъзи оналарни қоралаб айблардим. Сен туғилаётганда йиғлаганингни эшитишим билан юрагим қандай титраганини таърифлаб беришга тилим ожиз. Аввалги фикрларим учун сен орқали бутун оналардан минг бора узр сўраб, мени танишмаса-да, улардан кечирим сўрайман.

Сени қанчалик яхши кўришимни таърифлаб беришга ҳозир кучим етмайди. Ичимдаги таърифига тил ожиз туйғуларни сен ҳам бир кун она бўлганингда тушуниб етасан, албатта. Болали бўлганингда сенга айтганларимни ёки айтишга журъат қилолмаган сўзларимни англаганингда ҳақлигимга ишонч ҳосил қиласан.

Оппоғим, ҳаёт шундай шафқатсиз, телба шамолдек эсяптики, бу шамол таъсирида инсон туйғулари ҳам ўз кўринишини ўзгартириб боради. Гох жаҳлим чиқади, гох тутоқиб кетаман, гоҳида эса бақирганимни ўзим ҳам сезмай қоламан. Бундай ҳаракатларим билан сени хафа қилишимни ҳам яхши биламан. Лекин бунинг баҳор шамолидек бир зумлик ўткинчи эканлигини сен ҳали яхши билмайсан. Жаҳлимнинг, алашимнинг ортида шундай бир меҳр яширилки... Сен гунчасига яширин гулнинг чиройидек нозик, эхтиросли, таърифсиз бу меҳр-муҳаббатни билмайсан. Мен билиб, сен билмаган бу ҳиссиётлар орасида пушаймонликларга тўла изтироб юқини қандай кўтариб юрганимни билмаганингда, сен билан орамиздаги масофани англамаганингда ва кичкинагина ҳуссанг билан бу оғир юқни кўтаролмаслигиндан хурсандман. Сен учун қилган ўринсиз ҳаракатларим учун беҳад афсусланаман.

---

---

Сен ҳаёт экансан, мен бу оғир азобларнинг барчасига розиман. Бирор бир нарсани ўйлаш ёки эшитиш инсонга унчалик ҳам таъсир қилмайди. Аммо юрагимга ўзимдан-да яқин деб билганим сен дилбандим учун қайғуришимни ва чидаб бўлмайдиган юкнинг мени ва менингдек ҳар бир онани канчалик изтиробга солишини тушунтиришга тил ожиз. Ҳолбуки сен, бутун ҳаётимни сенга бағишлаганимни тушунмаяпсан. Худди орамизда катта жарлик бордай туюлди сенга ва шу туфайли бир-биримизни яхши тушунолмаганимиздан ташвишдаман. Баъзан хафалигингни, баъзида эса кўзингдан оққан бир томчи ёшни кўрганымда жоним ҳалқумимга келганини сен ҳеч қачон билолмайсан.

Балки мендан кўра яхшироқ фикр юритарсан, балки замон тақозоси билан мендан ҳам ўзиб кетгандирсан. Сени жуда қаттиқ яхши кўришим сендаги гўзал ҳислатларни кўра олишимга тўсқинлик қиладиган парда бўлаётгандир балки. Агар шундай бўлса айбимни кечиритишингни сўрайман. Сен кўрган қийинчиликларни мен ҳам кўрганман, лекин у кунлар ўтиб кетди, ҳозир эса худди ўша кунларга қайтаётгандек рол ўйнашимга тўғри келяпти.

Қилган хатти-ҳаракатларинг худди сенинг олдинда бир жарлик бордай, сени ўз домига тортаётгандек туюляпти менга. Баъзида мана шу меҳрим сени чеклаётгандир ва сен ҳам бунга кўниколмаётгандирсан. Бу муаммо сени тажанг-лаштиряпти, мени эса хафа қиляпти. Бахтга қарши ҳар истагингга “ҳа” деб жавоб қайтаролмайман, негаки буларнинг бари сени бало-қазолардан асраш ниятимдан пайдо бўлмоқда. Бу эса сенга худди мен сени тушунмаётгандек туюляпти. Ҳолбуки, ҳар куни, ҳар соатда сенга яқинлашишни истайман. Кун сайин дардқашим, хурсандчилик ва дардларимни баҳам кўрадиган йўлдошим бўляпсан. 24 соат-

---

---

дан иборат ҳаёт бўлагимни сен учун бағишлайман. Бу вақт ичида сени тушунмайдиган онларим ҳам бўлади, албатта. Сен ҳам мени озгина бўлса ҳам тушунишинг, менга табассум ила боқишингни дунёда алмаштириш мумкин бўлган ҳамма нарсага алмашаман.

Бахтинг бахтим, изтиробларинг менинг ҳам изтиробимдир, агар билсанг. Сени таъмасиз севишимнинг менга берган азияти шундаки, сени тажанглаштирадиган барча туйғулар сени мендан узоқлаштиряпти.

Жоним болам, бутун бу ёзганларим орқали сени озгина бўлса ҳам тарбиялай олдим, деб ўйлайман. Ҳолбуки сен меними ёки мен сени тарбиялаяпман?! Билмадим. Балки икковимиз бир-биримизни тўлдириб, бир бутун қиляпмиз. Бир нарсани билиб қўйишингни хоҳлайман: хурсандчилик ва изтиробларнинг ортида сенга бўлган таърифсиз меҳрим ётибди.

Болажоним, бу ёзганларимни фақат биргина менинг номимдан деб ўйлама.

Ўша кунларни кўриш сенга насиб қилсин, жоним қизим. Лекин ўша пайтда ҳам сен менинг фарзандим эканлигингча қоласан. Ҳозиргидек чин дилдан, ҳозиргидек самимий туйғулар билан сени ўпиб қоламан!.. Ўпиб қоламан!.. Ўпаман!

*Опанг Омина Қўл*





## ЁЛҒИЗИМГА МАКТУБ

Кўнглим гули, сенга бўлган меҳримни баён этмоқчи бўлсам, сўзлар камлик қилади, саҳифалар етмайди. Сенинг жажжи юрагинг бу қадар улкан меҳрни сиғдирилмас балки...

Сенга бўлган меҳрим сен туғилган чоқда, сени кучоғимга илк бор олган пайтимда бошланган эди. Ўша ондаёқ менинг қалбим беқиёс бир меҳр билан тўлганди. Бу – оналик меҳри эди.

Илк қадамларинг, илк жилмайишларинг ва миттигина кўлчаларинг ила мени хис этишинг.. Булар менга оналик туйғуларининг энг ширин лаззатини тоттирган эди. Вақтлар ўтиши билан чақалоқдан ширин гўдакка айланган чоғингда қилган шўхликларинг, ширин табассуминг сени дея тортган барча азобларимни унуттирарди.

Яғонам, мен сени шўхлик қилганингда ҳам, беозор, масъум бўлган чоғингда ҳам жуда яхши кўраман. Баъзан кизишиб, сени ранжитарман. Бироқ шуни билки, сени уришганимда ҳам, хафа қилганимда ҳам ўзим сендан кўра кўпроқ хафа бўламан. Кўнглим бузилади.

Ўйла, ёлғизим, фикрла. Агар яхши кўрмасам сени дунёга келтирармидим? Сенга ок сутимни бериб, кечалари аллалар айтармидим.

Агар сендан кўра телевизорни яхши кўрганимда ёки дугоналаримни сендан ортиқроқ кўрганимда юрагим титраб “БОЛАМ!” дея олармидим?

Болажоним, “отанга айтаман” деб кўрқитдингиз, дебсан. Билгинки, оналарнинг ҳам ўз туйғулари бор. Хатоларингни кўрганимда қайғураман ва янглишсанг, уларни тўғрилаш мақсадида сенинг отанга бўлган ҳурмат ва беқиёс меҳрингни бир восита қилиб кўллашим мумкин.

---

---

Аммо шуни доимо ёдда тутгинки, оналар ҳам инсондир ва улар ҳам хато қиладилар. Отанг ва сен менинг яшашдан ягона мақсадим! Ҳар иккинги қалбимга умрбод муҳрланган икки исм соҳибларисиз.

Хатингда “Она, сиз менга одамларга бир оз шафқатсиз бўлишни ўргатдингиз”, дебсан. Сен одамларнинг баъзида қанчалик инсофсиз бўлишини билмайсан. Аммо шуни билгинки, сенга уришни ўргатишим, бир оз аёвсиз бўлишни маслаҳат беришим фақатгина сени асраш мақсадида қилинган оналик меҳримнинг ҳосиласидир.

Ёлғизим, буларнинг барчасини ОНА бўлганингдагина ҳис этасан. Болам, “Доим уйда ўйнашдан бездим”, дебсан. Тўғри, сен ҳакли равишда ўз болалик оламингда яшашни истаяпсан. Уйдан ташқарига чиқармаслигимнинг сабаби сени ҳар қандай балолардан сақлашдир. Чунки сен янги очилган гул – беғубор ниҳолсан, нури дийдам. Мен бу гулнинг очилмасдан сўлишига, ниҳолнинг бевақт нобуд бўлишига асло йўл қўёлмайман.

Оналик муҳаббатимнинг беқиёслигига жаҳлинг чиқяптими?

Меҳрни олислардан қидирма. Меҳрни кушнинг қанотидан ҳам, балиқ ақуариумидан ҳам излама.

Сен шуни асло унутма – севги ҳам, меҳр ҳам – барчаси она кучоғидадир. Ёлғизим, олисларга кетсанг ҳам мен доимо ёнингда эканлигимни унутма. Мендан қанчалик узоқлашсанг ҳам, сен ҳамиша менинг қалбимдасан. Шуни билки, мендан хафа бўлганингда вужудим қакшайди, руҳим узлатга чекинади.

*Онажонинг Эбру Тансел*

*Шу вақтгача сенга меҳримни сездирмасликка ҳаракат қилдим. Аммо ниҳоясиз туйғуларимни ошкор қилмаслик қўлимдан келмайди.*

## СЕНИ ТУШУНЯПМАНМИ?

Ўз фикрини яқин кишиларига тушунтиролмаслик ҳар бир инсоннинг асосий муаммоси. Шу муаммо сен билан менинг бир-биримизни тушунишимизга ҳам тўсқинлик қилади. Ўртамиздаги ҳурмат юзасидан сенинг менга айта олмаган сўзларинг, қалбингда вулқонга айланиб улгурган ранжишларинг ушбу норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Бу муаммонинг ечими эса ўртамиздаги самимий, соғлом муносабатни шакллантиришга боғлиқдир. Бу эса қизалоғим, фақат иккаламизнинг қўлимиздадир. Иккаламизнинг асосий вазифамиз ўртамизда самимий муносабатни ҳосил қилишдир.

Агар сен бугун мен билан яхши муносабатда бўла олмас экансан, унда қандай қилиб, келгусида жамиятнинг бир аъзоси бўла оласан?!

Мен Аллоҳ ато этган ОНАЛИК туйғуси билан сенинг ҳам ўз туйғуларинг шаклланишини билардим. Фақат бу биров кейинроқ пайдо бўлса керак, деб ўйлардим.

Бутун вақтим, кунларим сени ўйлаб ўтади. Чунки сен ҳаётимнинг асосий мазмунисан. Аммо негадир бу сени ранжитяпти. Эътибор бермасам ёки эътиборимни салгина озайтирсам ҳам бу сенга ёқмайди. Бунинг чегараси қаерда? Мана шу нуқтани билишим керак. Бу иккаламизнинг муносабатларимиз бирлашадиган нуқта бўлади. Иншааллоҳ, бир-биримизни бугундан бошлаб шу нуқтада туриб янада яхшироқ тушунамиз.

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

17

AXBOROT-RBSURS MARKAZI

19867

---

---


Мен сенга муомаламни ўзгартира оламан. Аммо бир нарсани чегаралай олмайман. Шу вақтгача сенга меҳримни сездирмасликка ҳаракат қилдим. Аммо ниҳоясиз туйғуларимни ошкор қилмаслик кўлимдан келмайди.

Сени тушунишга ҳаракат қилар эканман, ёшимиздаги фаркни унутмасликка ҳам уриняпман. Сендайлигимда онамнинг сочларини силаб, ўзимнинг ёлғиз эмаслигимни ҳис қилардим. Ўшанда менинг сеники каби ёлғизлигимни билдирмайдиган компьютерим ҳам, дунёнинг тўрт тарафи билан алоқа қилувчи интернетим ҳам йўқ эди. Сен булардан фойдаланиб, бошқалар билан доимий алоқада бўлганинг учун ҳам менинг меҳрим, куюнчаклигим ва эътиборим сени ранжитяпти. Турли одамлар билан алоқа қилсан, аммо мен билан суҳбатлашишдан сиқиласан.

Келажакни ўйлайдиган бўлсак, сен инсоний туйғуларга бегона, шовқин-суронга тўла техника олами ичида яшайсан.

Сени тушуна олмаганимдан доимо шикоят этсанг ҳам менинг сенга чексиз меҳримдан воз кеча олмайсан. Мен ҳам сени ҳеч қачон ёмон кўрмайман. Чунки она билан фарзанд ўртасидаги бу меҳр-муҳаббат ҳамма нарсадан устун туради ва у доимо муносабатларимиз асоси бўлиб қолади деб,

*Онанг Вилдан Чанкая*



*Табиийки, бу ҳолдан саросимага тушиб қолганим боис сени овутиш отанга қолганди. Умид қиламанки, бу хатомни аллақачон кечириб юборгансан, жоним болам.*

*Буларни тинглар экансан, кўзларингда акс этган ўша ҳаяжонли табассумни кўраётгандек бўлавераман. Яна шуни эътироф этмоқчиманки, хатони фақат болалар эмас, балки катталар ҳам қилиб туришади.*

### УМИД ЧЕЧАГИМ

Онаман! Юрагим бепоён денгиздай кенг. Муҳаббатим эса борликдаги барча нарсаларга етгудек чексиз.

Айниқса, сенга, ҳа фақат сенга жажжигинам, менга инъом, энг гўзал ҳадя ўларок ҳаётимга кириб келган ва мени дунёдаги энг шарафли унвонга мушарраф қилган болажоним, сенга бўлган севгимни таърифлашга тилим ожиз.

Ҳозир мурғак вужудинг-ла уйимизни нурга тўлдириб кириб келган кунларингни эслаяпман. Сен ўшанда дунёнинг барча ёвузлигу ёмонликларидан холи маъсум бир малак эдинг.

Жажжи оёқчаларингга илк бора пайпоқ кийдираётганимда нақадар ҳаяжонланганлигимни, бармоқчаларингни оғритиб қўйишдан, эзилиб қолишидан қанчалик қўрққанлигимни билсанг эди.

Бевақт, сабаб-бесабаб йиғиларинг, кечалари уйкумни безовта қилишларинг ҳам сенга бўлган меҳримни асло камайтирмади. Эндигина она бўлган чоғимда ярим тунда уйкусираб сени қўлимдан тушириб юбордим. Чинқираб йиғлаганингдан ўрнимдан отилиб турдим. Ўша пайт қўрққанымдан юрагим тўхтаб қолгандек бўлди. Иккимиз ҳам йиғлардик. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, ҳеч қаеринг лат емаганди. Табиийки, бу ҳолдан саросимага тушиб қолганим боис сени овутиш отанга қолганди.

---

Умид қиламанки, бу хатомни аллақачон кечириб юборгансан, жоним болам. Буларни тинглар экансан, кўзларингда акс этган ўша ҳаяжонли табассумни кўраётгандек бўлавераман. Яна шуни эътироф этмоқчиманки, хатони фақат болалар эмас, балки катталар ҳам қилиб туришади.

**Болажоним!** Сен менинг умидим, борлигимсан. Худо хоҳласа, ҳаётда дуч келадиган барча ёмонликларга тўсиқ бўласан, адолатсизлигу ноҳақликларга асло бўйин эгмайсан. Зеро, келажак сен ва сенинг каби келгуси авлодлар, навниҳоллар кўлидадир.

Буни порлоқ, беғубор кўзларингдан сезиб турибман ва бутун борлигимла сен билан фахрланаяпман. Жоним менинг, уканг туғилганида ҳам сенга бўлган севгим асло камаймади. Чунки сенга бўлган муҳаббатимни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Кичик бўлгани учунгина укангга эътиборимни қаратаман. Чунки у ҳеч нарсани ўзи мустақил ҳолда эплай олмайди-да. Аммо сен энди ундай эмассан. Ўзингни эплай оласан. Баъзан менга ҳам ёрдам бериб турасан. Мисол учун бизга сендан бошқа ким ҳам баққолдан нон олиб келарди? Шундайми ўғлим? Отанг “Полвон ўғлим катта одам бўлади”, деганда сенга қанчалик юксак ишонч билдирганини англаётгандирсан-а?

Уйга меҳмон келган пайтда шўхлик қилиб, жаҳлимни чиқарсанг, «Сен билан кейин гаплашаман», – дея жазолашимни айтардим. Лекин нима сабабдандир буни унутиб қўярдим. Унутмасам-да, кўзларингдаги кўркув ва айбдорлик ҳиссини кўриб жазо бериш ўрнига, сени бағримга босиб, «Бошқа бундай қилма», – деб қўярдим.

Ишон, болагинам, қаттиқ асабийлашган вақтима юзингга тарсаки тортиб юборганим учун ҳамон виждоним азобланади.

---

---

Зеро, оналар ўз фарзандларини уришни эмас, севишни  
истайдилар. Шу боис асабийлашган пайтларда менга янада  
яқинроқ бўлишингни, юзимдан ўпиб олишингни иштайман.  
Билсанг, бу менинг қақшаган асабларим учун яхши даво  
бўлади.

**Ҳа, гул гунчам,** мен дунёнинг энг гўзал неъматлари  
сен учун бўлишини иштайман. Сенинг гул-у чаманлар ичра  
югуриб-елиб ўйнашингни, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб  
нафас олишингни хоҳлайман. Сенга гард ҳам юқмаслигини,  
дунёдаги ҳар қандай ёмонликлар сендан нарироқ бўлишини  
тилайман.

Қўлингга катта бир ўчирғич ол ва жамики расво  
нарсаларни ўчириб ташла. Қолган бўшлиқларни ўз қўлинг  
билан тўлдир. Мухими, уни ўзинг тўғри деб билган ва  
ўйлаган нарсаларлар билан тўлдир.

Доимо болаларча соф ва беғуборлигингча қол! Жоним  
болам, юзингдаги нур ва қувонч ҳеч сўнмасин.

Менинг бутун муҳаббатим сен ва сен қатори бошқа  
болаларга ҳамда болаларча беғуборлигини сақлаб қола  
олганларга.

*Онажонинг Райҳон Ёсир*



*Биринчи марта менга «Она» деб мурожаат қилганингни ҳеч эсимдан чиқармайман. Шу сўзни тинмасдан, бот-бот такрорлашингни истайман.*

## ЖОНИМ БОЛАМ

Ишончим комилки, сени “болам” деган чоғимда юрагим тубидан чикқан тотли туйғуларни сўзларга жойласам ёки қалбимни ёриб, сенга кўрсатсам, сен бу туйғулар оламида ғойиб бўласан.

Агар билсанг, ширин кулгинг, бахт тўла нигоҳингни кўрганим чоғимда гўё осмонларда парвоз қилгандек бўламан.

Сени илк бора бағримга босганимда, жажжи чехрангдаги ҳаётга кўникишга улгурмаган беғубор боқишларинг, тегишга жазм қила олмаганим – ўша жажжи кўлчаларинг, малак юзингдаги маъсумлик – буларнинг бари беҳад софлигини ҳис этганман ўшанда.

Илк кулгинг, илк одимларинг, илк бор айтган сўзларинг Худонинг менга инъом этган тенгсиз тухфаси бўлди.

Айниқса, биринчи марта менга «Она» деб мурожаат қилганингни ҳеч эсимдан чиқармайман. Шу сўзни тинмасдан, бот-бот такрорлашингни истайман. Зотан, Ер юзидаги миллионлаб болалар ўз оналарига қарата худди шу сўзни айтадилар. Лекин буни айнан сендан эшитганимда қалбингнинг туб-тубида илиқ туйғулар жўш урганини ҳис қилардим. Борди-ю, иситманг чикса, ичим ёнар, йиғлаганинда юрагимда нималардир узилгандек бўларди, назаримда.

Шуни яхши биламанки, барча оналар фарзандларининг ўрнига ўз жонларини ҳам беришга тайёр турадилар. Яна бир нарса аниқки, чин севги, меҳр бу – фақат митти борлиқни асраб – авайлашдангина иборат эмас, балки уни

---

---

жамиятга фойдаси тегадиган шахс қилиб тарбиялаш ҳамдир. Шу боисдан сенга айтажак аллаларимни ҳам, эртақларни ҳам шунини эътиборда тутиб танладим.

Мана, ўша кун ҳам келди. Бир куни ўзимдан ҳеч қачон узоклаштирмаган полапоним, жигаргўшамни катта бир бинода қолдиришга мажбур бўлдим. У ерда шириндан-шакар болажонлар, меҳри дарё устозлар бор эди. Бироқ сен қўлимни қўйиб юбормас, мендан айрилишни истамасдинг. Мен ҳам шундай аҳволда эдим. Даствлабки кунларда ўзим уйдаман-у, аммо хаёлим сенда эди. Вақт ўтиши билан сен мактабга, мен эса сенсиз туришга кўника бошладим. Шундай бўлса-да, ҳар дам кўзим соатда бўларди. Қайтганингда сени ўзим хоҳлаганимдек бахтиёр (қувноқ) кўрармикинман ёки мактабда бўлиб ўтган кичик кўнгилсизликлардан ранжиган, йиғлагудек ҳолда бўлармикан, дея ўйлардим.

Биламан, келажакда яхши бир инсон бўлишингни ўйлаб, биз олдинга қўйган тўсиқ ва мажбуриятлар сени анча ранжитади. Аммо буларнинг барини сени яхши кўрганимиз боис қилганимизни тушунишинг учун анча вақт керак бўлади. Айтганларимни жажжи юрагинг-ла тушуниб етиш сен учун бир оз қийин кечади. Аминманки, фақат оналик бахтига муяссар бўлган пайтингдагина буларнинг барини чин дилдан ҳис қиласан, жигаргўшам.

*Онанг Семра Ўзгур*



*Ишон, азиз болажоним, оққан ҳар томчи  
кўз ёшинг учун дунёни фидо қиламан. Пиёлани  
синдирганинда, сендан жаҳлим чиқишини айтяпсан.  
Аслида, мен пиёлани синдирганинг учун эмас, балки  
келажакда бир қалбни синдиришинг мумкинлигини  
ўйлаб, янада эҳтиёткор бўлишингни  
истаганимдан сени хафа қилдим.*

### ЖОНИМ ҚИЗИМГА...

Азиз болажоним, сени қанчалар яхши кўришимни сўз билан ифодалашим қийин! Бунини она бўлганинда, она фарзандини дунёга келтираётганида чеккан азобларини бошингдан ўтказганинда, у она ўз боласини қандай асраб-авайлашини кўрганинда, фарзандинг оёғига битта тош тегиб кетганида ҳис этасан.

Буларни бошингдан ўтказганинда, ҳатто, менга таъна тошларини отсанг ҳам, она меҳри туфайли мен сени доим бағримга босишга тайёр эканлигимни англайсан.

“Нимага?” деб сўрасанг, қуйидаги жавобни бераман ва албатта, сендан асло хафа бўлмайман. Чунки мен ҳам сендай ёш бўлганман. Шунинг учун сени тушунаман. Мен ҳам сендай ёш пайтимда онамни жуда кўп хафа қилганман. У ҳам мени хафа қилади-ю, демак, уни ҳам хафа қилиш мумкин деб ўйлардим. Уларнинг ҳам хафа бўлиб, йиғлашларини хоҳлаганман. Аммо бир кун келиб мен ҳам она бўлишимни ва фарзандларим мени ҳам хафа қилишлари мумкинлигини ҳеч ҳам ўйламаганман. Аммо шундай бўлса ҳам мен жуда бахтлиман. Бир кун сен ҳам шундай тақдирга, дуч келганинда асло чўчимагин.

---

---

Ҳозир мен фарзандларим ҳеч қачон: “Онамиз бизни тушунмайдилар!” демаслиги, йиғламаслиги учун иложим борира ҳаракат қиляпман. Чунки она қалби фарзандининг кўз ёшига дош беролмайди. Она қалби фақат фарзанди туғилаётганида йиғласа чидайди.

Она ўзи оламдан ўтгач, фарзандлари умрларининг охиригача соғ-саломат яшашини истайди. Аммо ҳаёт биз истаганимиздек эмас. Сенинг ҳаёт зарбларига чидамли бўлишингни истаيمان. Шу боисдан юрагимни тош қилиб, сени уришиб чиройли кўзларингдан ёш оқизишга мажбурман.

Ишон, азиз болажоним, оққан ҳар томчи кўз ёшинг учун дунёни фидо қиламан.

Пиёлани синдирганингда, сендан жаҳлим чиқишини айтяпсан. Аслида, мен пиёлани синдирганинг учун эмас, балки келажакда бир қалбни синдиришинг мумкинлигини ўйлаб, янада эҳтиёткор бўлишингни истаганимдан сени хафа қилдим.

Аслида ўша пайтда қўлларинг пиёлани эмас, менинг қўлларимни ушлашини хоҳлагандим. Истаётган нарсангни йиғламасингдан, бақирмасингдан сенга бермаганимни айтяпсан. Азиз дилбандим, бир она ҳаётини фарзандига фидо қилади, ўзи емасдан едиради, киймасдан кийдиради. Сен ҳеч нарса емаган кун дунё кўзимга қоронғи бўлади. Она ўз фарзандидан нарсани қизғанадими? Агар билсанг, ҳаёт – шафқатсиз. Курашмасдан бир нарсани қўлга киритиб бўлмайди. Шунини тушунишингни хоҳлар эдим.

Болажоним, ўйинчоқларингни синдириб ва бузганингда сендан хафа бўлишимни айтяпсан. Агар шундай бўлганида сен учун уларни олармидим? Мен масъулиятли бўлишинг, ҳар бир нарсанинг қадрини билишинг учун сени уришдим.

---

---

Айтдим-ку, азиз болажоним, ҳаёт – шафқатсиз. Мен фарзандимни эркалаб, бағримга босишни хоҳламайманми? 9 ой давомида вужудингни ичимда кўтариб юриб, аччиқ азобларни бошдан ўтказиб, сени дунёга келтирсам-у, сенинг бахтли бўлишингни хоҳламайманми?

Кўлмакка оёгингни тикишни истайсан. Тортни қўлинг билан ейишни хоҳлайсан. Бундан эса жаҳлим чиқади. Чунки сен бу тарзда овқат есанг, кейинчалик дўстларинг орасида керакли асбобларни ўз жойида қўллашни билмайсан ва ўша пайтда мендан нафратланиб, дўстларинг орасида изза бўласан. “Ойи, нимага буларни менга ўргатмадингиз?” дейсан. Мен уялиб юришингни эмас, балки доим бошингни кўтариб юришингни истайман.

Азиз болажоним, беғубор қалбинга инсонлар меҳрини жойлаштиришинг учун сени қийнаган бўлсам, сендан кечирим сўрайман. Сен ҳам она қалбини тушунсанг, сенга раҳмат айтаман. Ҳаёт сени ҳеч қачон қўрқитмаслигини, доимо омадли бўлишингни истайман, сени севинч билан ўпаман.

*Меҳр ила онанг Эмина Дурман*



## ҚАЛБДАН ҚАЛБГА...

Ишон, сенга бўлган меҳр тўла туйғуларимни сўз билан ифодалашим қийин. Чунки қалб тубидаги туйғуларни ҳар доим ҳам сўз билан ифодалаб бўлавермайди. Уларни ҳис қилганим ҳолда, ифодалай олмаслигимдан қийналаман. Шундай бўлса-да, озгина бўлса ҳам сенга кўнглимдагиларни айтишга ҳаракат қиламан.

Шу жажжи юрагингда нималарни ўйлаётганингни хаёлимдан ўтказиб, сенинг қанчалик катта бўлганингни тушунапман.

Гўзал туйғулар инсонни юксалтиради. Шунинг учун сен ҳам юксаксан, болам. Биласанми, инсон кимни кўп севса, ўша кишидан кўп ранжийди. Чунки севган кишисига боғлиқлик шундай кучлики, унинг ҳатто кичкинагина кўпол муносабати ҳам севган қалбга қаттиқ таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам ишонаманки, сенинг мендан тез-тез ранжишинг, менга бўлган юксак севгингдандир. Албатта билишинг керак бўлган муҳим бир нарса шуки, оналар болаларини асло хафа қилишни хохламайдилар. Чунки оналар фарзандлари учун яшайдилар, уринадилар, ўз жонларини аямайдилар. Оналар фарзандларини улар дунёга келгунча жони, қони, меҳри билан асрайди. Фақат оналаргина шундай қила олади. Мен ҳам ичимдаги битмас-туганмас кучни сен учун олиб юрибман, азиз болам. Ўзимдаги меҳрнинг ҳаммасини сенга беришга ҳаракат қиламан, умрим борича, сенга бера оладиган нима бўлса, ҳаммасини бераман. Барча уринишларим сени комил инсон қилиш ва келажагинг порлоқ бўлиши учундир, болажоним!

Менга ишон ой юзлигим, сени менчалик тушунадиган одам фақат ўзимдирман. Мен ҳам бир пайтлар бола бўлганман. Сен туфайли бола бўлиб, у кунларни яна бошимдан ўтказяпман. Кўпинча сенда ўзимни кўраман. Нимани севсанг, нимадан хафа бўлсанг, нимадан кўрқсанг ва нимадан жаҳлинг чиқса, буларнинг ҳаммасини жуда яхши биламан.

---

---

Чунки сенинг кўрадиган кўзинг, эшитадиган кулоғинг, гаплашадиган тилинг кабиман. Мен аслида сенинг ичингдагиман. Ҳар он, ҳар доим, ҳар ерда сен билан биргаман.

Мен онаман, сенинг қалбингдаман, жоним болам. Сени ўпиб силарканман, қалбимда кечаётган ғалаёнларни билармикансан? Аммо сенинг кўзларимга қараб ҳузур қилишингни, сочларингни тараётганимда завқ олишингни, сен билан ўйнаётганимда севишингни, сендан жаҳлим чиққан пайтда эса ичингдан зил кетишингни мен жуда яхши биламан.

Кўпинча менинг ҳам онамдан жаҳлим чиқар, мени тушунмайдилар деб ўйлардим. Ўшанда онамнинг ҳар бир қилган иши менинг яхши одам бўлишим учун эканлигини, унинг ҳар бир истагимга “майли” дейиши мен учун зарарли эканлигини ўзим она бўлгандан кейин тушундим. Шу боисдан ҳозир онамнинг мени деб қадоқ бўлган кўлларини тўйиб ўпгим келяпти. Ким билади, балки сен ҳам бир кун она бўлиб бу нарсаларни боланг билан баҳам кўрарсан.

Сен билан яшаш менга завқ беряпти. Бу мени чарчатса ҳам, ишон, жуда ёқимли. Ҳозиргача бир неча марта менга раҳмат айтганингни эсласам ҳам, аслида, биласанми, мен сенга раҳмат айтишим керак. Менга бу чиройли туйғуларни ҳис қилдирган сенсан. Сен менга беминнат меҳр беришни ўргатгансан, меҳр тўла борлиғинг билан қалбимни титратгансан, болажоним. Сен мени ОНА қилган мавжудотсан.

Мен сен туфайли она бўлдим. Бу меҳр дарёсида сен сабаб сузиб юрибман. Сен ҳеч қачон онам мени тушунмайди, деб ўйлама. Умрингнинг охиригача сени онангчалик тушунадиган бошқа бир инсонни тополмайсан, болам. Оналарнинг ҳамма нарсаси фарзандлари учундир, ой юзлигим. Сенга она меҳридай ҳароратли гўзал умр тилайман.

*Онанг Шенат Тираш*



*Чинқирган овозинг қулогимга эшитилиб қолса, борми,  
ўша заҳоти ёнингга чопардим. Қўрқувдан қўлларим  
титрар, нафасим бўғзимга тиқилар, музлаб  
қолардим гўё.*

## ҚАЛБИМ ГАВҲАРИ

Болажоним, сени узоқ изладим. Бир қушнинг қано-тидан, бир гулнинг япроғидан ва ҳатто балиқ аквариумидан ҳам сени изладим. Инсонни инсон қиладиган туйғуларни, бахтни, севинчни – барчасини изладим.

Ожизгина “инга”лаш билан бошланган бу ҳаёт йўлида турли хил ўйинлар мавжуд. Инсон баъзан бахт қушини қўлида тутади, баъзан эса у ғам-андухлар ичида яшайди. Сен ҳам мени ғамгин ҳолатимда кўрдинг ва тушунишга ҳаракат қилдинг. Баъзида сенда жаҳлим чиқиб, бақирган пайтларимда ҳам, сенинг мурғаккина қалбингда сенга бўлган меҳримни ҳис қилар эдинг.

Баъзан хафа бўлардинг ва йиғлардинг, баъзан эса аччиқланардинг. Аммо буни тезда унуттирадиган нимадир содир бўларди. Биргаликда кулганимиз, кўз ёш тўкканимиз ва ҳаттоки кичик бир қувончни ҳам бирга баҳам кўрган кунларимиз юрагимдан жой олганингни ҳис қилишга етарди, болажоним. Фақат бу гўзал туйғуларимдан ҳар доим баҳраманд бўлганинг учун буларга унчалик эътибор бермас эдинг.

Мен излаганларимнинг ҳаммасини шу гўзал табассу-мингдан, сенинг чарақлаган кўзларингдан топардим.

Баъзан кечалари устинг очилиб қолса, туриб устингни ёпиб, қўйганимда совқотган вужудингни ёракдан ҳис қилардим. Сен ухлаётганинг учун, менинг бу ҳолатимни пайқамас эдинг, болажоним.

---

---

Чакмоқ чакқанида ёнингга келиб, сен билан ухлашни хоҳлардим. Момақалди роқ пайтида эса мени шундай қаттиқ кучоқлар эдингки, ичимга кириб кетгудек бўлардинг. Аммо тонг отганида ёмғир тунда ёққанини ҳам унутардинг.

Чинқирган овозинг қулоғимга эшитилиб қолса, борми, ўша захоти ёнингга чопардим. Қўрқувдан қўлларим титрар, нафасим бўғзимга тиқилар, музлаб қолардим гўё. “Нима бўлди?! Ажабо, болажонимга бир гап бўлдими? Нега бундай бақирди?” деб ўйлардим.

Биз сен билан ҳамма нарсамизни баҳам кўрамиз, болажоним. Унутмагинки, сени ҳеч ким мен каби сева олмайди.

*Онаг Бетул Челикташ*



## АСАЛ ҚИЗАЛОҒИМГА

Сени илк маротаба кучоғимга олган чоғимда ҳис этган туйғуларимни баён қиламан. Мушт ҳолатида маҳкам беркитилган жажжи қўлчаларингни, ҳайрат-ла қараётган катта-катта, қоп-қора кўзларингни ва пат мисоли майин вужудингни илк бора кўрганимда “Мана, соғинч ортда қолди, тўққиз ойлик хавотир тугаб, бир-биримизга етишдик”, – дедим ва буни кўриш бахтига мени мушарраф қилган Аллоҳга шукроналар айтдим.

Қирмизи яноғингга илк маротаба лабларимни босиб, таърифига тил ожиз бўлган бўйни тўйиб-тўйиб ҳидлар эканман, бирдан зиммамга тушган вазифамни ҳам ҳис қила бошладим. Худди бўм-бўш, топ-тоза оқ қоғоз каби бағримда турардинг. “Сени қандай тўлдирамиз? Сени чиройли, тўғри тўлдира оламизми? Сени асл мақсадлар сари йўллаб, улғайтира оламизми? Зиммамизга тушган вазифаларнинг барчасини бажаришга тайёرمизми? Уларни бажариш қўлимиздан келадими ёки сенинг тарбиянгга бефарқ бўламизми?” Мана шу қийин саволларни ҳозирдан ҳис қилаётган эдим.

Сенинг савол тўла нигоҳларинг мени ўзимга келтирди. “Нима бўлди, онажон? Ёки мен кутилмаганда келиб сени безовта қилдимми?” деб сўраётгандинг гўё. Шунда сени маҳкам бағримга босиб: “Йўқ, қизалоғим, йўқ. Иккаламиз ҳамиша бирга бўламиз”, дея қулоғингга аста-секин шивирладим.

Мен янги очилаётган гулга, ҳаётга ташна янги гул ниҳолига яхши бир боғбон бўлишни хоҳлардим. Янада тўғрироғи, яхши бир боғбон бўлишни отанг иккаламиз хоҳлар эдик. Унинг ўсиб-униб энг яхши бўйларни атрофга таратишини, энг чиройли рангларда очилиб атрофга ўзгача бир чирой беришини хоҳлардик. Ана шу дамда зиммамдаги вазифанинг бажарилганидан чексиз ҳузур ва халоват туйиб Аллоҳга шукр қилардик. Чунки сен менга топширилган бир омонат кабисан, қизалоғим.

---


---

Сенинг тупроғинг сувсизликдан қақрамаслиги, агрофингни зарарли ёввойи ўтлар ўрамаслиги, бегона қўллар шохларингни, баргларингни тўкмаслиги керак. Сен гўзаллик уруғини сочишга муносиб бир гулсан. Сенда минглаб гуллар очилади, агрофинг гул боғчаларига айланади, бевақт хазон бўлмайсан. Сенинг тупроғинг меҳр бўлади. Сени сабр-тоқат суви билан суғорамиз. Сенинг мукофотинг Аллоҳ севгиси бўлади.

Мана, қизалоғим, қўлим билан ушлашга кўрққан, шу қўл-оёқларинг вақт ўтиши билан улғаяди, кучга тўлади. Буни сени ва мени яратган Аллоҳ таоло таъминлайди. Бу сенинг камолга етишингдир. Бироқ руҳинг қидираётган нарса – Унинг хузурида берган ваъдамиз устидан чиқиш учун сенга тўғри йўл кўрсатиш бизнинг асл мақсадимиздир. Онт ичаман, қизалоғим, сенга оналик ваъдасини бераман. Бунинг уддасидан чиқмоққа эса астойдил аҳд қиламан.

Қарашларинг мулойимлашганди. Мушт ҳолидаги у жажжи қўлчаларинг тўсатдан очила бошлади. У кичкина бармоқлар худди тароққа ўхшарди. Менга куч-қувват беришни хошлаётгандек гўё. Сени тушунаётгандим. Сен ҳам мени тушунаётгандинг. Зотан, сен билан эндигина танишган эдик. Тўққиз ой бирга, бир вужуд ичида бўлдик. Қонимиз, жонимиз муштарак эди. Аммо унда сени қўлим билан ушлай олмасдим, худди ҳозиргидек бағримда эмасдинг. Бироқ алоқамиз ҳар доим мустаҳкам эди. Доимо шундай қолайлик, асал бола-жоним. Бирга дардлашиб, бирга суҳбатлашиб, бир қарашдаёк бир-биримизни тушунайлик. Вақти келиб бир-биримиздан айрилганимизда, қайтиб бўлмас сафарга чиққанимда, мени – онангни хотирлаганингда қалбингда меҳр оташи жўш урсин. Гоҳ-гоҳида эмас, ҳар доим қалбинг соғинч билан тўла бўлсин. Бу соғинч сабабли тилингдан “Фотиҳа” ва “Ихлос” суралари тушмасин. Худди мен ҳозир онамга қилаётганим каби...

*Онажонинг Белкис Каҳя*



*Саксон беш ёшига кирган бувимнинг ёши эллик бешдан  
ошган онамни гўдак каби ардоқлашини кўрар эканман,  
оналик асло адо бўлмайдиган улузвор бурч ва туганмас  
хузурбахш туйғу эканлигини ич-ичимдан ҳис қиламан.*

*Зеро, оналик суймоқ, яъни беминнат жон  
куйдирмоқ экан.*

## ЯГОНАГИНАМ

Нега бу мактубни ёзмоқчи бўлаётганимни ва доимо клавишлар устида бемалол ҳаракатланадиган бармоқларимнинг нега ҳозир анча сушт қимирлаётганини сен ҳали ҳис қилмайсан. Чунки сен инсоннинг ўз севгисини ифода этиши қанчалик қийин, мушкул эканлигини, уни оҳангдор ёки оддий сўзлар билан тасвирлаб бўлмаслигини билмайсан. Ёзишни ўрганган кунингдан бошлаб, столимнинг у ер-бу ерига «Онажон, сизни жуда яхши кўраман» дея ёзганингни ўзиёқ, сенинг соф ва маъсум туйғуларингни аниқ ифода этади. Чунки Аллоҳга шукр, сен «инсонларни севаман, ҳайвонларни севаман» каби кечинмаларингни ифодалаб, ичингни бўшатиб олганингни ҳали пайқамайсан.

Сени илк бор қўлимга тутқизишганида «Фақат инсонгина шунчалик сева олади ва севимли бўлади» дея ўйлаган эдим. Мен адашмаган эканман. Чунки ҳар бир табассуминг, ўрганган ҳар бир ҳаракатинг, илк одиминг, илк бора «она» дейишинг, хасталиклардан шифо топишинг, бедор кечаларим, кутилмаган таҳликалардан юрагимни ҳовучлаб қолган пайтларим – вақти келиб ғоят ширин бўлиб қолиши – севгига айланишини ич-ичимдан сезган эканман.

Вақт ўтиши билан бу севги ҳаётни сен учун баъзан бамисоли зиндонга ҳам айлантиришини англадим.

---

---

Тўққиз ой вужудим ичида ўсган, яна икки йил вужудимнинг бир аъзоси каби менга боғланиб яшаган бир борликнинг, яъни сенинг мустақил бир шахс бўлганингни тан олиш мен учун осон бўлган деб ўйлама. Сени эзган, мени эса ғазаблантирган туйғу сен ўйлаганигдай сени энди севмаслигим эмас, балки у энди мендан «узоклашиб кетади» деган хавотир эди. Болажоним, сен гўдаклик пайтларингда ҳис этганларим менга Аллоҳ томонидан менга берилган беназир оналик туйғуси эканлигини энди тушуняпман. Аллоҳ бандаларига шу қадар марҳаматлики, борликдаги энг нозик хилқат – инсон боласининг соғлом вояга етиши учун унинг онасига беқиёс марҳаматлар кўрсатган. Коинотни муҳаббат-ла яратган ва бу коинотга инсонни халифа қилиб кўйган Аллоҳ инсон қалбига муҳаббатни ҳам жойлаб кўйган. Ризқ қилиб берилган бу севгини кўпайтиришни ҳам инсоннинг ўзига ҳавола этган. Энг ожиз жиҳатимиз айти шунда эканлигидан баъзан ҳижолатга тушаман.

Сени ато этгани учун Аллоҳимга қанчалар шуқр қилсам шунча оз. Зеро, сабр-тоқатни, бошқаларга беминнат меҳр кўрсатишни, яъни севгини сен туфайли ўргандим. Ўзим ҳам онажонимни қанчалик суйганимни ва унга қанчалик боғланганимни сенга она бўлгачгина билдим. Саксон беш ёшга кирган бувимнинг ёши эллик бешдан ошган онамни гўдак каби ардоқлашини кўрар эканман, оналик асло адо бўлмайдиган улуғвор бурч ва туганмас хузурбашх туйғу эканлигини ич-ичимдан ҳис қиламан. Зеро, оналик суймоқ, яъни беминнат жон куйдирмоқ экан. Болажоним, Аллоҳдан сенга ҳам ширин-ширин фарзандлар ато қилишини сўрайман.

*Онажонинг Назифа Шишман*



*Баъзан беихтиёр чуқур ўйга толаман:  
«Фарзандларим улгайиб, ҳаётда ўз ўринларини  
топган пайтларида ҳам, улар менга худди  
ҳозиргидек меҳр-муҳаббат билан қарашармикан?»*

## **СУЮКЛИ ДИЛБАНДЛАРИМ!**

Балки сизларга юрагимдаги муҳаббатимни тўла-тўқис тушунтиролмасман. Бироқ оқшом пайти оила аъзолари бир жойга жам бўлганда барча ташвишларни ва чарчоқларимни унутаман. Сизларни бағримга босишим шу қадар бахтки, уни ҳеч нарсага таққослаб бўлмайди. Ишонинг менга.

Сизларнинг жанжаллашишингиз ва бир неча лаҳзадан сўнг яна ярашишингиз шу қадар гўзалки...

Аммо сизлар учун ҳар доим ҳам вақт ажрата олмаганимдан жуда хижолат бўламан. Севимли тўнғич қизим ҳаётида жиддий ўзгаришларга сабаб бўладиган муҳим синовлар олдида турганида мен унга етарлича эътибор кўрсата олмаяпман. Унинг сўзлари билан айтганда «Бу муҳим синов натижасини таъқиб этмаяпман», холос.

Лекин, жоним болам, сенга шу пайтгача тўғри тарбия берганимга ишонаман. Меҳрибон Аллоҳим сени ўзингга муносиб лойиқ муваффақият билан шарафлантирганига бутун қалбим билан ишонаман.

Бугун мактабда ўқиб-олган таълим-тарбиянг кейинги ҳаётингда ҳам давом этиши ва самаралар бериши учун ҳар доим биродарларингга ва атрофингдагиларга меҳр билан қарашингни истайман. Муҳаббат, меҳр инсонни барча мавжудотдан юксакка кўтарган илоҳий кучдир. Тушунаман, сизнинг бу ёшдаги севгингиз маълум бир манфаатларга таянган бир севгидир.



---

---

Билингки, учалангиз ҳам менинг кўмагимга мухтожсиз. Лекин мени ўзингизга сирдош қила олмаяпсизлар. Сизларнинг эса «Йўқ, онажон, ундай эмас», дея бошингизни кўксимга қўйишингиз менга куш ёқяпти. Аммо, баъзан беихтиёр чуқур ўйга толаман: «Фарзандларим улғайиб, ҳаётда ўз ўринларини топган пайтларида ҳам улар менга худди ҳозиргидек меҳр муҳаббат билан қарашармикан?»

**Ҳа, суюкли дилбандларим, кўрдингизки, сизлар ёлғиз эмассиз.** Биз ота-оналар ҳам сизлар тарафингиздан севилишни ва ҳурматингизга сазовор бўлишни орзу қиламиз. Биз қалбингизга меҳр уруғларини эксак, сизлардан унинг мевасини кутишга ҳам ҳақлимиз. Уйдаги нарса буюмларни тўзғитганингизда ёки дарсларингизни тайёрлаганингизда норози бўлсам, мендан ранжийсиз. “Сиз бизни яхши кўрмайсиз. Сиз учун биз эмас, балки қайсидир ашёлар ёки уйнинг озодалилиги кўпроқ муҳим» дейсиз. Бироқ бу ўйларингиз бутунлай хато. Ахир «Оналар фарзандларини беминнат севадилар». Сизларни меҳнатсевар ёхуд чиройли бўлганлигингиз учун яхши кўраман. Ва барча ҳаракатларим сизларни оилага, миллатга ва Ватанга керакли фарзандлар қилиб улғайтиришга қаратилган. Вақти-вақти билан огоҳлантиришларимдан мақсад хулқингиз шаклланаётган пайтда руҳиятингизга ижобий таъсир кўрсатиш, сизларнинг яхши одатлар соҳиби бўлишингизни исташим эди.

Ўйлайманки, ҳаммангиз вояга етганингизда болалик чоғларингизни эслаб, мени ҳам ёрқин хотиралар билан ёдга оласиз. Ўшанда сизларни нима учун ранжитганимни аниқроқ тушунасиз. Барчангизга меҳримни, эзгу тилакларимни йўллаб, бахтли кунларингизни биз билан бирга баҳам кўришингизни тилайман.

*Онагиз Айла Улген Ясин*

*Болажоним, сендан ягона тилагим – ватанинг, миллатинг  
ва инсоният учун керакли инсон бўлгин. Инсоният учун бир  
куёш бўл, шуъланг илм, тафтинг меҳр бўлсин.*

## БОЛАГИНАМ

Ҳеч қачон тугамайдиган, беминнат меҳрни биласанми? Биласан, албатта. Буни жажжи қалбинг билан албатта ҳис қиласан. Шунинг учун лабларингдан “онам” деган меҳрга тўла сўз тўкилади. Ҳа, болажоним, мен сени ана шундай севаман.

Сенинг ёнимда бўлишинг бамисоли ҳаётнинг ҳамиша сувга эҳтиёж сезиши кабидир.

Сен менинг хидига тўймайдиган гулим, ўпишга кўзим киймайдиган капалагимсан.

Сен билан бахтли бўламан, сен билан хафа бўламан. Бармогингга кирган бир дона тикан юрагимга ботган ханжар кабидир. Кўзингдан томган бир томчи ёш қалбимдан сизиб чиққан қон кабидир. Кўзларингнинг нури юзимга севинч, ҳаётимга ёғду бахш этади.

Болажоним, сени тўққиз ой қоним билан вужудимда асрадим. Менга анча азоб бердинг, аммо мен сенга асло озор бермадим. Сени сутим билан ўстирдим, севги, меҳр ва шафқат билан шакллантирдим. Оналик бир санъатдир, болам. Сен менинг энг гўзал нақшимсан.

Болажоним, баъзан сенга жаҳл қилдим, сендан хафа бўлдим, ҳатто, жазоладим. Аммо болам, сенга жазо бераётганимда юрагимга минг бир оғриқ кирди. Сен келгусида ҳамма ҳурмат қиладиган ва мукамал бир инсон бўлиб, жамиятда ўз ўрнингни топишинг учун буларга бардош беришинг керак эди.

---

---

Болажоним, сендан ягона тилагим – ватанинг, миллатинг ва инсоният учун керакли инсон бўлгин. Инсоният учун бир куёш бўл, шуъланг илм, тафтинг меҳр бўлсин.

Болажоним, доимо ҳақиқатгўй бўл. Ростгўйлик мардликка етаклайди. Асло ёлгон гапирма. Зеро ёлгон, ожизлар интиладиган йўлдир. Такаббур бўлишдан эҳтиёт бўл. Кибр шайтоннинг қамчисидир. У бу қамчиси билан одамларни жаҳаннам азобига гирифтор қилади. Катталарга ҳурматсизлик қилма. Сен катталарни ҳурмат қилсанг, улар ҳам сени ҳурмат қилишади. Уларни ҳурмат қилмасанг улар ҳам сени ҳурмат қилишмайди. Барча одамларни ҳурмат қил. Меҳрсиз юрак бамисоли бир кесакдир. Болажоним, чақалоқлигингда ҳовучимда йўқолган бу момик қўлларинг миллат учун қалам тутсин. Атрофга милт-милт боққан бу кўзларинг ватан чегараларида сергак бўлсин. Ўпишга қизғанган бу пешонанг умр бўйи саждага интилсин. Мен вафот этганимдан сўнг орқамдан йиғлама болам. Зеро, бу кўз ёшлар Аллоҳ учундир.

Сен Аллоҳ учун йиғла, инсоният учун йиғла. Кўз ёшларинг бекор кетмасин.

*Онажонинг Фусун Афшар*



## СЕВИМЛИ БОЛАМ

Оналик шунчалар гўзал туйғу эканки... Менинг онам ҳар доим “Она бўлганиндан сўнг оналик бахгини биласан”, дердилар. Қанчалик ҳақ гапни айтганлар онажоним. Она бўлиш бахтига муяссар бўлгач, инсон онасининг нималар ҳис қилишини англаб етади. Биринчи марта ҳам, бир неча бор она бўлганида ҳам бу давом этади. Ҳар бир боланинг меҳри ўзича ширин. Қийинчиликлари ҳам кўп, завқи, гўзаллиги ҳам...

Ҳар бирининг алоҳида муаммолари ҳам бор. Мана шу муаммоларни ҳал қилиш, дардларини ўйлашнинг ўзи ҳам завқли. Чунки мен онаман... Менга ҳеч ким она бўлишни ўргатмади. Она бўлмоқ инсоннинг яратилиши(фитрати)дан келган бир туйғудир. Бу бизга Аллоҳ томонидан берилган илоҳий неъмат. Яхши она бўлишни хоҳлайман. Болаларимнинг ақлли, тарбияли, инсонпарвар, яхши инсон бўлишини истайман. Улар ҳам катта бўлгач, онасини меҳр ва ҳурмат билан севсинлар.

Болаларимга қандай яхши қараганимни, қандай ўстирганимни, қанчалик кўп машаққатларга бардош берганимни улар англашини истайман. Уларни ҳаётга тайёрлашни, кўп нарсалар ўргатишни истайман. Доимо меҳрибон, сабрли, тушунадиган она бўлишни истайман.

Аммо бу баъзан шундай қийинки... Сабрли, яхши ниятли бўлишимга қарамасдан, ҳамма нарса мен истагандек бўлавермайди. Истамасам-да, баъзан болаларимнинг қилиқларидан жаҳлим чиқади. Уларга озор бераман, телбалар каби бақираман. Ҳатто баъзан уларга қўл кўтариб, урган пайтларим бўлади. Бир оздан кейин бу ишимдан пушаймон бўламан. Бу кичкина ҳимоясиз боламни нега урдим, қандай қўл кўтардим?

---

---

Шундай қила туриб ҳам уларни шу қадар севаманки...  
Буни англасалар, тушунсалар-ку, майли-я... Мен қандай онаман,  
деб ич-этимни ейман. Лекин ўзимни билолмай, бошқаролмай  
коламан. Баъзан шундай бесабр, шундай жаҳлдорманки...

Қилишим керак бўлган бир қанча ишларим бор,  
хаммасини битказмоғим керак. Ишлаётганимда салгина  
шўхлигини, сўзга кулоқ солмаганини кўтаролмайман.

Ҳеч жаҳли чиқмайдиган, сабр-тоқатли, доимо кулиб  
турадиган оналарга ҳавас қиламан. Нега мен шундай  
килолмайман? Чунки мен ҳам ожиз бир бандаман...

Ҳа, мен ҳам ожиз бир бандаман. Оналик сабр-тоқат,  
фидокорлик талаб қилади. Оналар ўзини ўйламай, фақат  
бошқаларни ва болаларини ўйлаган, бола боқишни, уни  
тарбия қилишни билиши керак экан. Асабийлашмайдиган,  
ҳамиша кулиб турадиган, феъли кенг оналар фидокорлик  
обидаси бўлиб кўринадилар.

Она ҳар доим уйда бўлади. У ҳар доим болаларини  
кутади, она ўз ишларидан кўпроқ болаларини ўйлайди. Шу  
сабабли, у асабийлашмайди, жаҳли чиқмайди, ҳамма нарсани  
сабр билан эшитади. Боласига қандай қарашни, уни қандай  
тарбиялашни, у билан қандай гаплашишни билади. Чунки она  
уйда доктор, ҳамшира, ўқитувчи, энага, хизматчи, дардингга  
шерик дўстдир. Мен бу ишларнинг ҳаммасини асабийлаш-  
масдан, сабр-тоқат-ла ҳамиша ширин табассум билан  
қилишни истайман. Булар кўлимдан келармикин?

Худойимга доим дуо қиламан. Буларни қилиш учун  
ҳамма оналарга сабр берсин. Чунки биз оналар шундай бир  
насл етиштиришимиз керакки, бизнинг авлодларимиз  
миллатимизнинг энг гўзал томонларини намоён қилишсин.  
Авлодларимиз инсоният учун жуда улуғ хизматлар  
қиладиган бир насл бўлишсин. Меҳр ва ҳурмат билан.

*Онанг Медиҳа Кале*

*Ҳаёт фақат яшаб ўтиладиган бир нарса эмаслигини,  
балки унга ҳар биримиз маъно қўшишимиз  
мумкинлигини тушунишингизни истайман...*

## **БИР ДОНАМГА...**

Сен туғилганда беҳад бахтли эдим! Лекин, тўғриси, бир оз хавотирланган ҳам эдим... “Бу икки болани эплай олармикинман?” дердим ўз-ўзимга. Чунки аканг (агар уни ака дея олсак, чунки у жуда кичкина эди) мени жуда “қийнаган” бир пайтда сен пайдо бўлдинг менинг ҳайрат тўла дунёда... Лекин ишонсанг, ич-ичимдан севинардим.

Худо менга қиз фарзанд ҳам берган эди. Онам менинг доимий дўстим эди. Ҳали ҳануз шундай. Мен ҳам қизим бўлишини ва унга чин дўст бўлишни жуда-жуда орзу қилган эдим. Шу тилагим қабул бўлганди. Қани кўрамиз, иккинчи тилагим ҳам руёбга чиқармикан? Хавотирим шундан эди.

Ҳозир сенга болалик даврингда мени қанчалик қийнаганинг ҳақида сўз очмоқчи эмасман... Келажакда она бўлганингда бунга ўзинг яхши билиб оласан, болам.

Ҳозир мени ҳам барча оналар каби жуда кўп қийинчиликлар кутаётганди...


Дастлаб сенинг дунёингга кириш учун жуда кўп қийналдим. Сенинг “жажжи қиз” эканлигингни ҳеч тасаввур қилолмасдим. Аммо бундан бошқа ном ҳам сенга ярашмасди. Сен шунчалик ўзингга хос эдингки, бунга тушуниб олгунча иккимиз ҳам анча машаққат чекдик. Аканг иккалангиз мени жуда қийнаётдинг. (Ҳали ҳам шундай...) Сен ўзингни аканг билан тенг кўриб, унинг қилганларини қилишга бор кучинг билан уриндинг, мен билан мунозара қилдинг... Сен ўз кучинг билан ҳақиқатга эришдинг...

---

---

Ҳақиқатни билишни ҳам ўргандинг. Муаммолар фақат уларни тушунишнинг ўзи билан ҳал бўлмайди. Аллоҳ умр берса, олдимизда шундай катта бир муддат борки, бундан хавотирланмасдан туролмайман.

Ҳаёт фақат яшаб ўтиладиган бир нарса эмаслигини, балки унга ҳар биримиз маъно кўшишимиз мумкинлигини тушунишингизни истайман... Сиз ўз қобилиятингиз билан жамият учун нималар қила оласиз? Бу савол мени жуда ўйлантиради. Биз эса сизларни ҳаётга тайёрлашимиз керак, болажоним. Аммо бунинг қанчасини уддалай оламиз?! Ҳозир биз учун асосий муаммо мана шу. Буни ҳал қилиш учун вақт керак.



*Баъзан тезроқ улғайишингни, “аъло” баҳолар билан синфдан синфга ўтишингни хоҳлайман. Аммо улғайганинда ҳам онажонингга худди ҳозиргидай соф ва самимий туйғулар билан “онажоним” дея олармикинсан, деган ўй мени безовта қилади.*

## БОЛАЖОНИМГА МАКТУБ

Болажоним, гулим, малагим, дилбандим! Туғилмасдан аввал севгисини, ҳаяжонини қалбимда туйганим, туғилган кунидан бошлаб, ҳар онимни тўлдирган йиғи овозлари қулоғимга “алла” каби кирган, буни хатто, ўзидан ҳам қизғонганим, ҳидини энг нафис гулларда ҳам тополмаганим, болам...

Малагим, сени ҳануз кичкина деб биламан. Аммо катта бўлаётганингни ҳам хис қиламан. Сенинг улғайишингни, хатти-ҳаракатларинг ўзгараётганини баъзан сезмай қоламан. Ҳақиқий етук она бўлишни жуда-жуда истайман. Неғалигига қизиқяпсанми? Чунки онаси баркамол бўлса, фарзанднинг тарбиясида ҳам камчилик бўлмайди, деб ўйлайман.

Болажоним, биласанми, ҳар бир инсоннинг кўнглида энг яхши ишларни қилиш орзуси бор. Табиийки, у боласини ҳам баркамол ўстиришни истайди, хаёл қилади. Онани энг хурсанд қиладиган нарса, бу боласининг ҳар томонлама етук бўлишидир. Баъзан тезроқ улғайишингни, “аъло” баҳолар билан синфдан-синфга ўтишингни хоҳлайман. Аммо улғайганинда ҳам онажонингга ҳозиргидай соф ва самимий туйғулар билан “онажоним” дея олармикинсан, деган ўй мени безовта қилади.



---

---

Баъзида мени хафа қиласан, кўнглимга озор берасан, тинчимни бузасан. Лекин “ойи” деганингда дарҳол буни унутаман ва шу пайт, салгина ранжиган, лекин севгига тўла, жўшган юрагим сенинг бўйнимга осилиб “она-онажоним” дейишингни истайди.

**Болажоним**, сен доимо хаёлимда бўлсанг-да, аммо қилишим лозим баъзи кундалик юмушларим ҳам бор-да. Супур-сидир, овқат пишириш дегандай. Шунинг учун баъзан ўзим истамаган ҳолда сенга эътиборсизлик қилган бўлишим мумкин, кечир мени, болажоним.

**Болам**, бу ҳар доим ўзгариб турадиган руҳиятингни, қизиқишларингни, фикрларингни аниқ англолмаганимни ўзим ҳам сезаман. Сени ўзим хоҳламаган ҳолда хафа қилсам ҳам, безътибор қолдирган бўлсам ҳам барибир сени жуда яхши кўраман, болам.

Сенинг бирор жойга кетишингни, мендан узоқлашингни асло хоҳламайман. Кел, хатоларимизни тузатишга ҳаракат қилайлик, бир-биримизга ҳурмат-эътиборли бўлайлик. Мен ҳамиша сени тушунишга ҳаракат қиламан.

**Болажоним**, оналик нақадар қийин, лекин муқаддас туйғу эканлигини сен ҳам бир кун тушуниб етарсан. Умид қиламанки, сен мендан ҳам яхши она бўласан. Доимо беғубор ва севимли бўлиб қол, менинг кичик фариштам!..

*Онанг Фотима Аксой*



## МЕНИНГ ЖОНИМ ЎҒЛИМ

**Болажоним!** Биласанми, сенга илк бора ҳис-туйғуларимни очик, самимий шаклда ифодалашга фурсат топаяпман. Шу боисдан бу мактубни менга чин дилдан ишониб ўқишингни истайман.

**Азиз дилбандим!** Сенинг келажагинг тўғрисидаги режаларимни бир неча йил олдин ўйлаб қўйганимни биласанми?.. Мен болалигимда жуда тез аразлайдиган ва сезгир эдим. Оиламдагиларнинг менга қилган кўрсликларини бир қоғозга ёзиб борардим ва келажакда мен бу хатоларни болаларимга қилмайман дея ўзимга ўзим сўз берардим. Аммо, бунга қанчалик муяссар бўлдим ёлғиз Аллоҳ билади.

Сени илк бора бағримга босганимда қалбим таърифлаб бўлмайдиган даражада қувончга тўлди. Мен учун сен дунёнинг энг гўзал ва чиройли гўдаги эдинг. Дуоларим қабул бўлган эди, сен соғ-саломат эдинг. Сенинг бағримга соғлом келишингга шукр қилар эдим. Болажоним, сенинг дунёга келишинг менинг ҳаётимга мазмун бахш этди. Хурсандчиликларим баробарида кечалари уйқусизликдан, сенинг тўполонларингдан ва касал бўлганингда қийналар эдим. Аммо биргина кулгинг ва зўрга айтадиган «Она» деган сўзингни эшитгач, барча чарчоқларимни унутар эдим.

Болажоним, сендан моддий ва маънавий борлиғимни асло қизғанмадим ва унинг жавобини ҳам кутмадим. Сен шўхликларинг билан мени совуқ кунларда ҳам терлатдинг, чидадим. Сенга ҳеч қачон уйни ивистирма, деб айтмадим. Аксинча, шундай қилганингда сен билан бирга кулдим, ўйнадим. Сени кўрқитмадим. Чунки кўрқоқ бўлиб қолишингни истамадим.

Болажоним, гўдаклигингда ўртоқларинг билан уришганингда ёки йиқилиб, бир жойинг оғриганида йиғлаб дарҳол бағримга югурардинг. Ўша пайтдаги меҳрга тўла кўксим, мен ҳаёт эканман, сенга доимо очик. Ҳозир ҳар қандай саволларингни эшитганим каби, кейин ҳам уларни тинглайман. Ҳамиша сен

---


билан бирга куламан ва йиғлайман. Болажоним, сен овқат емаганингда менинг ҳам томоғимдан лўкма ўтмас эди. Касал бўлиб қоласан дея эсим чикиб кетарди.

Кўлимдан келганича сени бекам-кўст улғайтиришга ҳаракат қиляпман. Лекин мен ҳам ожиз бир бандаман. Хатоларим, камчиликларим бор. Жаҳлим чиққанида сенга озор берган вақтларимда мендан хафа бўлма. Сени бир шапалоқ урганимда ўша кеча маюс чеҳрангга қараб, пушаймон кўз ёшлари билан у шапалоқнинг ҳақини кўп-кўп тўлагандирман. Болажоним, келажақда яхши инсон бўлишинг учун сени тарбия қилишга катта эътибор бердим. Чунки “Қуръон”даги илк оятда «Ўқи» деб буюрилган. Илм ўрганиш у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, барчага баробардир, деган қоидага амал қиламан. Сен қилган хатоларни кўрганимда жуда азоб чекаман. Чунки бу хатоларда менинг ҳам улушим бор, деб ўйлайман. Кейин ожизалигимни ўйлаб, дуо қилишга тушаман.

Суюкли дилбандим, сен учун қилганларимнинг ҳаммасини бари бир кам, деб ўйлайман. Биламанки, аксарият оналар фарзандларига мендан кўра жуда фидокор. Чунки фарзандга фидойилик Яратганинг оналарга берган беқиёс ҳадясидир. Ҳар бир инсоннинг ҳаётида муваффақиятга эришиш ва мағлубиятга учраши ҳоллари бўлади. Мен ҳар қандай вазиятда ҳам оналик вазифамни унутмасликка, меҳримни сендан кизганмасликка ҳаракат қилдим. Жуда кўп хатолар қилдим. Камчиликларимни кечиришингни ва мени айбламаслигингни истайман.

Болажоним, фарзанд онасининг ҳақини ҳеч қачон тўлай олмайди. Сен дунёга нима учун келганингни, вазифаларингни билсанг, менга шунинг ўзи етарли. Умринг охирида сени сўнгги йўлга кузатаётганларида одамлар кўзида сени йўкотаётганлари учун алам акс этсин. Улар орқандан фақат яхши ишларинг ҳақида сўзлашсин ва дуо қилишсин.

*Сени жуда севувчи онанг Первин Сақар*



*Оналик туйгусини тушунтириб бўлмайди.  
Бу туйгу билан фақат яшаш ва уни ҳис қилиш  
мумкин. Сен ҳам янги “ғунча”ларга ҳомиладор  
бўлганингда тушунасан буни, гулим.*

## **БОЛАЖОНИМГА**

Сен билан 8 йил бирга бўлганимизда жуда кўп кувончли ва машаққатли кунларимиз бўлди. Шу боисдан сўзни нимадан бошлашни билмай турибман.

Яхшиси, бир бошдан айтай. Гапни сен дунёга келишингни билган кунимиздан бошлай. Ўшанда... Сен ҳам баҳорда яшарган тол, гул бўлиб очилган ғунчалар каби оз муддат ўтгач, очилар эдинг, гулим. Ўша пайтда ҳеч кимга кўксимдаги бу ғунчани сўлдиришга йўл бермасликка онг ичдим. Бу ғунчани барча одамлардан, ҳамма нарсадан асрашга қасам ичдим.

Гулим, нима қилган бўлсам, бу сенга меҳрим туфайли эди. Баъзан меҳрим билан сени қийнадим. Баъзан бир оз эркаладим. Баъзан худди қаттиқ шамол бўлиб, сен ғунчамни бир оз силкитдим. Яхши кўришдан йироқлашдим, кечиримли бўла олмадим. Сени тушуна олмадим, гулим.

Болажоним, сен Худойимнинг менга берган бекиёс неъматини эдинг. Аммо айна чокда ечилиши қийин бир жумбоқ ҳам эдинг. Шунинг учун баъзан сени тушунишга ожизлик қилдим, сенга кўнглингдагидай қарай олмадим. Лекин сенга бўлган меҳрим чексиз эди. Шундай бўлса-да бу меҳр баъзан ҳамма муаммони ечишга етмас, ғазабим ғолиб келар эди. Ўша пайтда бу ҳадянинг соҳиби Раббим қаршисида ҳамда сенинг қаршингда хижолатда эдим. Она эканлигим ҳам хижолат бўлишимга тўсиқ бўла олмас эди.

---

---

Мен бир инсон эдим. Оналигим “соя”сида кўп туйғуни ҳис қилар эдим. Қалбимда қувонч ва алам, газаб ва меҳр бир-бирлари билан беллашаётгандек эди. Пушаймонларим оналик қалбимни чуқур яраларди. Бундан эса ачинар эдим. Оналик туйғусини тушунтириб бўлмайди. Бу туйғу билан фақат яшаш ва уни ҳис қилиш мумкин. Сен ҳам янги “ғунча”ларга хомиладор бўлганигда тушунасан буни, гулим.

Ўша “ғунча” қоронғу кечаларингни ёруғ кундузга айлантиради! Ул “ғунча” совук қиш кунларида менинг ҳам ичимни иситади.

У “ғунча” менинг ҳаётга яна ҳам қаттиқроқ боғланишимга сабабчи бўлган.

У “ғунча” юрагимни тўлдиради ва томиримда оқади.

Сен шундай бир ширин неъматсанки, баъзан шукрингни адо этишга ожизлик қиламан. Шундай бир омонатсанки, сени ёмонликлардан асрашга қийналаман. Лекин меҳрим ва ишончим жўш урган вақтларда бу “ғунча”ни иссиқ ёз кунларига етказишга онг ичаман. Ўша қувончли кунларга етишгунча яхши қол, гулим!...

*Сени севувчи онанг Айше Сарибан*



## СУЮКЛИ ДИЛБАНДИМГА!

6.10.1989 йил. Куз кунларидан бири. Кечанинг соқинлигида сенинг йиғинг эшитилади, болажоним. Ҳаётимга кириб келган кунингдан бошлаб, мен ҳам бахтли она бўлдим. Кўзларингнинг ишонииш қийин даражада очиклиги мени беҳад ҳайратлантирди. Сен янги бир жойга келганингни сезаётган эдинг. Бир оз кўрқув ичида эдинг. Кундан-кунга ўсаётганинг сайин менинг ичимдаги меҳр ғунчалари ҳам ўсди. Бу – она муҳаббати бўлди. Аллоҳнинг менга бахш этган энг ширин неъматиди. Ҳа, ўсаяпсан, менинг умидларим ва ҳаёлларим ҳам сен билан бирга ўсяпти. Балки келажагинг менинг орзу-умидларимдан бўлакча бўлар. Аммо оналарнинг болажонлари билан боғлиқ гўзал ҳаёллари бўлади. Улар болаларини энг яхши жойларда кўришни орзу қилишади

Сендан аччиқланиб, бақирган пайтимда «Онажон, сени ҳеч қачон яхши кўрмайман» деб айтасан. Ўшанда мен сенга: «Мен сени барибир жуда яхши кўраман» деганимда яна қулоғингни очиб, менга талпинасан. Кўрдингми, сен билан орамиздаги муносабат қанчалик мустаҳкам. Сенинг файласуфона тушунчаларингни энди-энди англаяпман. Худди: «Онажон, баъзан кераксиз нарсага ҳам бақирасиз, ҳеч бир нарса тушунишни хоҳламайсиз. Менинг ҳам туйғуларим, ҳаяжонларим, ҳаёлларим бор», деяётгандайсан. Ҳа, биламан, митти қушчам, биламан. Онанг баъзан ўз ҳаёллари билан келажак орасида сарсон-саргардон. Сен ҳам ўша бўронли кунларимда беихтиёр изтироб чекасан. Ўша он сенга меҳрим қанчалик қучли бўлганини тушуниб, ўйлаб мени ёлғиз қолдиргин. Ўғлим, сендан бир истагим: Аллоҳ рози бўладиган тарзда ҳаёт кечиргин. Меҳр, ҳурмат ва ҳеч қачон тугамайдиган орзу-умидларинг бўлишини истаيمان...

*Сени жуда яхши кўрадиган онанг  
Ҳуля Доған*



*«...Бутун ёмонликлардан узоқ – сув каби соф қалбингда яшнаган муҳаббат гулларига баъзи инсонларнинг зарар беришидан, уларни юлиб олишидан шунчалик қўрқаманки...».*

## **ЖОНИМ БОЛАМ!**

Вақт жуда тез ўтяпти. Нега бунча тез улғаяпсан?! Қанчалик улгайсанг ҳам, лекин мен учун ҳамиша кичкина боласан. Балки шундай ўйлаганим учун ҳам ҳар доим сени асраб-авайлаш туйғуси билан ҳаракат қилаётгандирман. Тиниқ сув каби тоза, покиза қалбингда яшнаган севги гулларига баъзи кимсаларнинг зарар беришидан, уларни юлиб олишидан шунчалар қўрқаманки...

Жоним болам, биласанми, сени урганимда, фақат урганимда эмас, баланд овозда бақирганимда ҳам сен бир чеккада туриб, маъюс кўзларинг билан менга қараганимда ичимдан парчаланиб кетаман. Оналарнинг ҳам хатолари бўлиши мумкин. Билмайман, балки онажоним ўргатгани каби ҳаракат қилмаётгандирман. Мен ҳам сен билан бирга ўсяпман. Майли, ҳар тонг сенинг яна ҳам яхши вояга етишинг, яхши овқатланишинг, яхши кийинишинг ва жуда яхши келажак соҳиби бўлишинг учун уйғонишимни, чарчаган вужудим учун ёлғиз қувват манбаи ҳам мана шу туйғулар эканлигини биласанми? Мен ҳам бутун вақтимни сен билан ўтказишни, сочларингдан ўпиб, силаб-тарашни жуда истайман.

Жоним болам, сени жонимни фидо эта оладиган даражада севаман. Менга гул териб келганимда, гул солиб қўйилган стаканни синдирганимда нега жаҳлим чиққанини биласанми? Ўзингга зарари тегишидан қўрққаним учун...

---

---

Сен мен учун дунёдаги барча гуллардан азизроқсан!

Болагинам, жуда яхши кўрган ўйинчоқларингни ва буюмларингни бошқа дўстларинг билан баҳам кўришингни истайман... Чунки улашмоқ гўзал туйғу ва унинг “соя”сида бошқаларнинг бахтида сенинг улушинг бўлади. У одамларнинг миннатдор бўдиб, севинганини кўрганингда яна ҳам бахтли бўласан.

Жоним болам, сен улғайишни орзу қилаётганингда мен кичрайиб сенинг ёшингда бўлишни, сенинг хистуйғуларингни ҳис этиб, сени янада яхшироқ тушунишни, сен билан ўйнашни, ҳамма дардларингдан узоқлаштириб, ўша соф ва покиза туйғуларни кўпроқ баҳам кўришни хоҳлайман. Аммо биламанки, бизнинг орамиздаги энг гўзал “кўприк” она ва фарзанд севгисидир. Биламанки, бу “кўприк”да сен билан мен тенгмиз.

Жоним болам, мен ҳам сен билан меҳрга тўла, ҳеч ким бир-бирини хафа қилмайдиган ва бир-бирини тушунадиган дунёда бўлишни истайман. Лекин ким билади, балки ўша қушнинг қанотида, ўша гулнинг япроғида мен учун жой топилмайди ва мен сен билан бирга бўла олмайман. Балки сени ушлай оладиган даражада яқин бўла олмасман. Аммо билишинг керакки, ҳар доим мени ўйлаганингда мени кўрмасанг ҳам ёнингда бўлиб, сенга меҳримни етказа оламан. Тушларимда ҳам сени ўпиб, эркалайман, қулоғингга «жоним болам» – деб пичирлайман. Азиз болам, меҳрим, муҳаббатим фақат сенга...

*Онанг Эрен Гуракар*





*Фарзандларининг қалбини эзгу туйғулар билан  
тўлдириб, уларни яхши инсон қилиб етиштира олган  
она учун Аллоҳнинг энг юксак муруввати бор.  
Жаннат оналар оёғи остида бўлади.*

## ЭНГ ЯҚИН ДЎСТИМГА

Сенга мактуб йўллашни истаган чоғимда шуни англаб етдим. Узоқ вақтлардан бери ҳеч кимга хат ёзмаганимни, ҳеч кимдан ҳам мактуб олмаганимни ўйлаб, жуда хафа бўлдим. Ўн беш-йигирма йилдан бери сақлаб келаётган хатларимни олиб ўқидим. Қоғозлари сарғайган, ёзувлари ўчган бўлса-да, уларни ўқиганим сайин ўтмиш хаёлларим уммонига шўнғиб кетаман. Ҳаётимизни қулайлаштирган шу технологиялар кишиларни беҳад танбаллаштириб, уларни ажойиб туйғу ва завқлардан йироқлаштирганини англадим ва хафа бўлиб кетдим.

Афсуски, ҳозирги ёшларнинг сақлаб қўядиган мактублари деярли йўқ. Ҳа, севимли болажоним. Сен ҳам бу нозик туйғудан бебаҳра қолмагин, дея ушбу хатни ёзмоқдаман. Хатлар узоқдаги кишиларга ёзилади. Хатларда хабарлар, соғинч, севги, меҳр ва туйғулар ёзилади. Минг шукрки, сен узоқда эмассан. Шунинг учун ҳам менинг хатим сенга хабар ва соғинч элтмас. Аммо сенга бўлган туйғу ва кечинмаларим орқали МЕҲРИМНИ етказди.

Улғайган чоғингда онанинг боласига бўлган беҳисоб туйғуларини бу сатрларни ўқиганингда, иншооаллоҳ, тушунарсан. Аллоҳ онангни сендан барвақт ажратиб олса, бу мактубни онангдан сенга қоладиган энг қимматли хотира сифатида асрашингни ва ундаги сўзлар билан онангни топишга, унинг сенга бўлган муҳаббати нақадар чексизлигини тушунишга, ҳис этишга ҳаракат қиласан. Жоним болам, сен Аллоҳнинг менга берган энг юксак инъомисан. Яратганга

---

---

шукрким, менга сен каби соғлом фарзанд ато этди.

Севимли болажоним, исмингни ўзим кўйдим. Аёвсиз тақдир илк фарзандимдан жудо қилгандан сўнг узок вақт давомида соғинганим ва кутганим сен эдинг. Сен юрагимнинг парчаларини тикладинг, қайноқ бахт булоғим бўлдинг. Мен сени шу қадар яхши кўраманки, буни изохлашга тилим ожиз.

Сенга бўлган меҳримни таърифлаш қийиндир. Уни фақат ҳис қилиш мумкин. Билсанг, инсоннинг бир боқиши, ҳар бир хатти-ҳаракати олам-олам маъно англатади. Мен сени бағримга босиб ё сочларингни силаб, ё юзларингдан ўпиб, ё кўзларингни қорасига термулиб “жоним болам” дея эркалайман. Мана шулар меҳримни тушунтиришнинг бир шаклидир. Мен шу чокдаги туйғуларимни қандай сўзлар билан ифодалай... Бунга бир китоб тўладиган даражада сўз қўлласам-да етмай қолиши мумкин. Жоним болам, сен учун қилган ҳар бир ҳаракатим сенга бўлган меҳримнинг нағижасидир.

Меҳр бу алоқадир, муносабатдир. Меҳр асраб-авайлашни, маъсулиятни ҳис қилишни талаб қилади. Меҳр инсонни фидокорликка, яхши инсон бўлишга ўргатади. Буларнинг барчасини инсон ўзида мужассам этсагина комил бўлади. Фарзандларининг қалбини эзгу туйғулар билан тўлдириб, уларни яхши инсон қилиб етиштира олган она учун Аллоҳнинг энг юксак муруввати бор. Жаннат оналар оёғи остида бўлади. Қандай бахтлиман! Ахир мен онаман!

Болажоним, сен ҳали ёшсан. Очилмаган гунчасан. Барг ёзадиган, ҳосил берадиган ниҳолсан. Ниҳоллар сув ва ҳаво, куёш нуридан бахраманд бўлиб ўсади. Мен ҳам сени моддий неъмат билан бирга, юрагимдаги чин меҳрим билан улғайтираман. Бирор кимсанинг гулларингни оёқ ости қилишига, сени ранжитишига йўл кўймайман. Ҳаётимнинг сўнгги дақиқасигача сенинг ёнингдан кетмайман.

*Онаг Фотима Чакмак*



## АЗИЗ ДИЛБАНДИМГА

Бу сенга ёзган биринчи мактубим. Тўғриси, сенга нимани ёзишни ҳам билмайман. Бу сенга ёзганим биринчи хатим бўлгани учун ҳам жуда ҳаяжондаман. Мактубимни ўқишингни ўйласам ғалати бўлиб кетаман.

Шу пайтгача сенга мактуб ёзиш ҳеч ҳаёлимга келмади. Сенга ҳозир ёзаётганим, мулоҳазаларим қадрли ва аҳамиятини келажакда тушунасан. Жоним болам, сенга она бўлишдек ғурур ва бахтни бутун борлигим билан ҳис қиляпман. Тилагим – сени ватанига ва миллатига фойдали, миллатимизнинг урф-одатларига содиқ бир фарзанд қилиб етиштирмоқдир. Бунинг учун қанчалик қийналганимни бошқалар ҳис қилиши жуда қийин. Сенинг яхши инсон бўлиб етишмоғинг учун чеккан изтиробларимни менинг ёшимга етганинда тушуниб етасан. Чунки мен ҳам мени оқ ювиб, оқ тараб ўстирган ва ҳозирги ютуқларимга асосий сабабчи бўлган онамнинг чеккан азобларини ўзим сенга она бўлганимдан кейин тушундим.

Сен камбағалгина, ўзаро меҳр-оқибатли, аҳил бир оилада дунёга келдинг. Билсанг, ана шу маънавий бойлик сенга ва сендан кейинги авлодларимизга бахт-саодат эшикларини очади. Асл қонимиз, шонли тарихимиз ва аҳил оиламиз сенга ато этилган энг катта меросдир. Барча иқтисодий қийинчиликларга қарамай, сени ўқитишга ҳаракат қилган ўқитувчиларингни, сен каби юзлаб ўқувчиларни тарбиялаб, вояга етказган жонажон мактабингни асло унутмагин. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз, боболаримиз шон-шарафига муносиб ҳалқаларнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшишдир.

Бутун дунёни қамраб олган бу ҳалқанинг қанчалик улуғворлигини ҳеч ўйлаб кўрдингми? Она сифатида менинг ҳам, фарзанд сифатида сенинг ҳам бу занжир ҳалқаларидан бири эканлигимизни билишимиз катта қувончдир.

---

---

Сенинг ҳар бир муваффақиятинг менга умид ва куч бахш этади.

**Ягона қизим**, билгинки мамлакатимиз ёшлари 21 ас-нинг тараққиётини белгилаб беради. Дунёнинг энг тараққий этган давлатлари орасида жой олишга, ўз ўрнимизни топишга ҳақлимиз. Шукрлар бўлсинки, саховатли заминимиз бойликларга кон. Ақлимиздан фойдаланиб жаннатмакон юртимизни замонавий технологиялар билан таъминлаймиз. Дунёда миллатлар мусобақаси энди бошланмоқда. Биз миллатимизни, урф-одағларимизни, қадриятларимизни унутмаслигимиз керак.

**Фариштаганим**, ҳаётда ҳамиша тўғри бўл. Ишонган нарсаларингдан асло чекинма. Доимо ҳақгўй ва хушмуомала бўлишга ҳаракат қил. Ўзингни камолотга эриштириш учун ўз устингда кўпроқ ишла. Ҳеч қачон олган билимларинг билан чекланма. Дунё мусобақа майдонидир. Бу мусобақадан зинҳор орқада қолма. Билгинки, курашиш, ҳаракат қилиш, мақсад йўлида интилиш кишини кучли ва соғлом, етук инсонга айлантиради.

**Болажоним**, ҳаётинг келажақда гўзал ва фароғатли бўлишини истасанг, қийинчилик ва машаққатларга чидашга ўрган. Шунда ҳамма нарса осон бўлади.

Одамларга дўст бўл ва ўртоқларингга ҳурмат ва меҳр кўрсат. Ана шунда улардан ҳам меҳр ва ҳурмат кўрасан. Бечора ва муҳтож кишиларга кўмаклашишдан қочма. Уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш сенга ҳам ҳаловат ва ишонч беради. Унутмагинки, берган қўл олган қўлдан яхшироқдир. Меҳнати сингган ва яхшилик қилганларга ҳурмат кўрсатишда бепарво бўлма. Онангнинг ва отангнинг насиҳатларига ҳар вақт қулоқ сол. Чунки улар фақат сенинг яхшилигинг учун жон куйдиришади. Сендан ягона тилагим: бизларни уялтирадиган иш қилма. Сени меҳр билан ўпаман, севимли қизим.

*Сени жону дилдан севувчи онанг.*

*Мактубингдан кейин кўп нарса ўзгарди, кўзларим  
очилди, болам. Демакки, болага меҳрибончиликнинг  
ўзигина етмас экан.*

## КЎНГИЛ ҚУШИМ

Болажоним, кўнгил қушим, сенинг кўнглингда нималар яширин, ҳеч сўрамабман. Ўзим билмаган ҳолда сенга жабр қилдиммикан? Кечир мени болажоним; билмасдан тошбағир қилиб қўйибман.

Болажоним, барча гапирганларинг тўғри. Кўз ёшларимни тўхтата олмадим, мактубингдаги сатрлар юрагимга ханжар бўлиб санчилди. Ҳолбуки оналар қаттиққўл эмас, ёмон эмас, оналар фарзандларини ёмон кўрмайдилар, оналар фарзандларига бефарқ эмаслар.

Оналар илдизи фарзандига туташган, меҳрдан яралган бир дарахтдирлар. Улар ҳаммани ўзларининг меҳр уммониغا ғарқ этадилар. Оналар ҳаётимизни безайдилар.

Ҳаётимдаги энг гўзал йиллар сенга она бўлган вақтимдан бошланди. Балки ҳаётда ҳеч кимсадирман, аммо сенинг онангман. Сенга яхши бир она бўлишни истайман. Фақат бу жуда қийиндир. Ниятларим яхши бўлишига қарамай, ҳамма нарса ҳам мен истагандай бўлмаяпти. Она бўлишни менга ҳеч ким ўргатмади. Сени хафа қилганим, дилингда озор берганим учун кечир мени.

Сенга ҳамиша уқтирганим каби ҳеч бир инсон мукамал эмас, мен ҳам мукамал бўла олмадим. Сен одамларни сев, болам. Севимли бўл, шафқатли, марҳаматли бўл.


Ҳамиша яхшилик қил. Инсонларга юрагингни оч ва менга ҳам... Мактубингдан кейин кўп нарса ўзгарди, кўзларим очилди, болам. Демакки, болага меҳрибончиликнинг

Ўзигина етмас экан. Гарчи хатоларим кўп бўлсада, сени бир қанча насиҳатларим бор. Буларни ўзингга дастур қилишингни хоҳлайман: ҳамма сени айблаганда, сенидан шубҳаланганларида сабр билан кут ва кутишдан чарчама. Тухматга қолганингда ёлғонга ёлғон билан жавоб берма, сенга кек сақлаганга кек сақлама, хотиржамлигингни йўқотма. Ҳаётдаги ютуқларингга ортиқча севинма, йўқотганларингга кўп ҳам қуюнма. Бир кун келиб не-не машаққатлар эвазига эришган нарсаларинг таназулга юз тутиши мумкин. У вақтда сен асло кўркма, тушкунликка тушма. Унга эришиш учун яна ҳаракат қил. “Энди ҳаммаси тамом” дея ноумид бўлма. Нима бўлганда ҳам муросали бўл, кибрланма. Катта одамлар билан бўлганингда ғурурланиб ўзингни ва дўстларингни унутма.

*Сеникидир эрта – келажак,  
Қалб кўзингни очгин, болажон.  
Оқар сувдек умр ўтажаск,  
Висол ўрнин олмасин ҳижрон.*

*Гўзалликка юксалсин руҳинг,  
Умид гулим, борим ҳам йўғим.  
Рўёбга айлансин орзуйинг,  
Бахтли кўрай сени, борлигим.*

*Онанг Перихан Кичикўғли*



*Ҳазрат Али: “Менга бир ҳарф ўргатган кишига қирқ йил қул бўламан”, деганлар. Устозларингиз эса сизга ҳарфгина эмас, балки ҳаётни ўргатадилар. Уларнинг ҳақларини адо этинг.*

## СЕВИКЛИ БОЛАЖОНЛАРИМ

Худди кечагидек: дунёга кўзларингизни очган кунларингизни ўйлайман. Илк йиғлашларингизни, кулишларингизни, мушт тугилган қўлчаларингиз билан бир нарсаларни ушлашга ҳаракат қилган кунларингизни. Ҳар дақиқа орқангиздан югурган кунларимни...

Келишиб олгандек шўхлик қилишда беллашардингиз: бирингиз ошхонада, бирингиз... Охири маълум – ўртада жанг майдони. Гўёки бир нарсаларни тушунтиришга ҳаракат қилар эдингиз. Тилингиз чучук бўлса ҳам “Она орқамиздан югуришни бас қилинг, биз кичкинамиз, ўйнамасдан қандай ўсамиз? Яхшиси, келинг, сиз ҳам биз билан ўйнай қолинг”, деяётгандай эдингиз. Мен бироз кечикиб бўлсада шунини тушундимки, сиз энди икки гўдак эмас, уч гўдак бўлган эдингиз. Сиз жуда бахтли эдингиз: Қизик, нега шунини олдинроқ тушунмаган эканман.

Сизлар тўрт девор орасида қолгандингиз, болагингизнинг энг гўзал, энг жўшқин йилларини шу ерда ўтказдингиз, ўйин ўйнашингиз учун боғча йўқ, югуриб думалашингиз учун майсазорлар йўқ эди. Бизнинг болагимиз шундай ўтганмиди...

Ҳали хонқизларнинг гўзалликларини, қумурсқалар уйларига овқат ташиганларини, куртларнинг тупроқ ичида ин қазиганларини кўп кўрасизлар; бир уруғ тупроқни ёриб ер юзига чиққанини, сизлар каби секин-секин улғайиб ниҳол бўлганини ўйлайсизлар... Қўлларини осмонга

---

---

кўтариб эсан шамол билан бирга ҳилпираб Аллоҳни зикр қилаётган гулларни кўриш ҳам сизларнинг ҳаққингиз... Аммо сизлар кўлмакчаларда ўйнаб атрофга сув сачратмадингиз. Чигиртка тутиб, тилла кўнғизларни тўплаб, уларга кўшиқлар айттира олмадингиз. Аммо... Сиз улғайгач бу гўзалликларни тушунишга вақтингиз бўлмайди. Бу бебаҳраликдан кейин сизларни қандай қилиб уйдан чиқармай кўйиш мумкин?

Йўқ! Қоидаларни бузамиз! Чунки ИНСОН улғайтиряпмиз. Бундан кейин хоҳлаганча ўйнашингиз мумкин. Инсон қадри барча нарса, буюмлардан устун туради.

Энди улғайдингиз. Яхшини ёмондан, тўғрини хатодан ажрата оласиз. Мактабда ўқитувчингиз, уйда бизлар сизни яхши инсон бўлишингиз учун ҳаракат қиламиз.

Устозларингизни яхши кўринг ва ҳурмат қилинг. Чунки улар ўз ота-онангиз каби жон куйдирадилар. Ҳазрат Али: “Менга бир ҳарф ўргатган кишига қирқ йил қул бўламан”, деганлар. Устозларингиз эса сизга ҳарфгина эмас, балки ҳаётни ўргатадилар. Уларнинг ҳақларини адо этинг. Биласизми болажонларим, Аллоҳ болаларни севсинлар, уларни ҳеч ранжитмасинлар деб, оналар ва устозлар қалбини меҳр ва сабр билан тўлдирган. Болалар ота-оналарга берилган омонатдир. Оналар ўз фарзандларини меҳр билан улғайтирадилар. Инсоният учун фойдали шахс, чин инсон бўлишлари учун дуо қиладилар.

Эсингиздами, бир куни сизларга одам нима учун яратилганини сўзлаб берган эдим. У ер юзига яхшилиқни тарғиб қилиб, ёмонликни бартараф этиш учун юборилган.

Сизларни келажакда тўғрисўз, қалби меҳрга тўла инсонлар сифатида кўришни хоҳлайман.

*Сизларни севувчи онангиз Айше Асилли ўғли*



## МУНДАРИЖА

Ибрatли мактублар .....	3
Она .....	5
Онамга мактуб ( <i>Норқулова Гузал таржумаси</i> ) .....	8
Қалбингдан меҳрга жой бер! .....	10
Икки арининг асаласан ( <i>Тоғжиева Наргиза таржумаси</i> ) .....	12
Ёлғизимга мактуб .....	15
Сени тушуняпманми? ( <i>Валиева Назокат таржумаси</i> ) .....	17
Умид чечагим .....	19
Жоним болам ( <i>Мухторова Муниса таржумаси</i> ) .....	22
Жоним кизимга .....	24
Қалбдан қалбга... ( <i>Камилова Гаъфар таржумаси</i> ) .....	27
Қалбим гавҳари .....	29
Асал қизалогимга ( <i>Рўзиева Саида таржумаси</i> ) .....	31
Ягонагинам .....	33
Суюкли дилбандларим ( <i>Шайзоқова Дилфуза таржумаси</i> ) .....	35
Болагинам .....	37
Севимли болам ( <i>Мирзаева Шаҳноза таржумаси</i> ) .....	39
Бир донамга .....	41
Болажонимга мактуб ( <i>Мирзақулов Бехзод таржумаси</i> ) .....	43
Менинг жоним ўғлим .....	45
Болажонимга ( <i>Темуров Носир таржумаси</i> ) .....	47
Суюкли дилбандимга .....	49
Жоним болам ( <i>Мухамедова Гулноза таржумаси</i> ) .....	50
Энг яқин дўстимга ( <i>Халмирзаев Феруз таржумаси</i> ) .....	52
Азиз дилбандимга ( <i>Кенжаева Дилрабо таржумаси</i> ) .....	54
Кўнгли қушим .....	56
Севикли болажонларим ( <i>Усмонхўжаев Шерзод таржумаси</i> ) .....	58

---

Босишга 2007 йил 5 мартда рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет босма усули.  
3,75 босма тобок. Адади 1000 нусха.

«Voris-Nashriyot» MChJ нашриёти,  
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100-уй.

“Сано-Стандарт” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100.

# BOLAJONLARGA MAKTUB



ISBN 978-9943-304-11-6



9 789943 304116